2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 235 (1834), 2026 йил 12 ноябрь, пайшанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

БАРҚАРОР, ОСОЙИШТА ВА АДОЛАТЛИ КЕЛАЖАК САРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг таклифига биноан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги Ҳадли конвенцияси томонлари конференциясининг 31-сессияси (COP31) тадбирларида иштирок этиш учун 10-11 ноябрь кунлари Анталия шаҳрида бўлди.



Давлатимиз раҳбари 11 ноябрь куни БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги Ҳадли конвенцияси томонлари конференциясининг 31-сессияси (COP31) доирасида Жаҳон етакчилари саммитининг ялпи мажлисида нутқ сўзлади.

Саммитда дунёнинг 90 дан ортиқ мамлакати давлат ва ҳукумат раҳбарлари, етакчи халқаро ташкилотлар ва молиявий институтлар бошлиқлари иштирок этмоқда.

Очилиш маросимида турли мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари, халқаро ташкилотлар ҳамда молиявий институтлар бошлиқлари ҳам қатнашди.

Саммит доирасида делегациялар раҳбарларининг биргаликда суратга тушиш маросими бўлиб ўтди.

“Барқарор, осойишта ва адолатли келажак сари” шиори остида ўтаётган етакчилар саммити иқлим ўзгаришига қарши курашиш ва глобал экологик мажбуриятларни бажариш борасидаги халқаро саъй-ҳаракатларга янги суръат бағишлашга қаратилган.

COP31 конференцияси 9 ноябрь куни бошланган ва 20 ноябрь кунига қадар давом этади. Унда давлатлар, халқаро ташкилотлар, ишбилармон ва илмий доиралар, фуқаролик жамияти вакиллари иштирок этмоқда. Париж битимини ҳаётга татбиқ қилиш, ҳавога иссиқхона газларини чиқаришни қисқартириш, иқлим ўзгариши оқибатларига мослашиш, иқлим молияси қамровини кенгайтириш ҳамда “яшил иқтисодиёт”га ўтиш жараёнини жадаллаштириш масалалари диққат марказида бўлади.

Сув ресурслари тақчиллиги, тупроқнинг таназзулга учраши, музликлар эриши, қурғоқчилик ва глобал исишнинг бошқа оқибатлари кучайиб бораётган шароитда бу масалалар Ўзбекистон ва бутун Марказий Осиё минтақаси учун муҳим аҳамият касб этади.

Саммит доирасида Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон ҳамкорлигида халқаро шериклар кўмагида ишлаб чиқилган “Марказий Осиёда иқлим ўзгаришига чидамли ландшафтлар” (CLiCA) минтақавий дастурига старт берилгани бу борада муҳим қадамлардан бири бўлди.

Ушбу етти йилга мўлжалланган дастурни молиялаштиришга йўналтириладиган маблағларнинг умумий ҳажми 264,4 миллион еврони ташкил этади, шундан 103,7 миллион евро Ўзбекистон учун мўлжалланган. Маблағлар ўрмонлар ва яйловларни тиклаш, қишлоқ хўжалигида иқлим ўзгариши шароитида барқарор ёндашувларни жорий этиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда қишлоқ аҳолисининг иқлим ўзгаришига мослашиш имкониятларини кенгайтиришга йўналтирилади.

Ўзбекистон глобал иқлим кун тартиби доирасида зиммасига олган мажбуриятларни изчил бажариб келмоқда. Хусусан, 2035 йилга қадар ялпи ички маҳсулот бирлигига тўғри келадиган газ чиқиндиларини 2010 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 50 фоизга қисқартириш мақсад қилинган.

Мамлакатимиз БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги Ҳадли конвенциясига 1993 йилда қўшилган, 2018 йилда эса Париж битими иштирокчиси бўлди. Бугунги кунда Ўзбекистон Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, қайта тикланувчи энергетикани ривожлантириш, сув ресурсларини тежаш ва иқлим барқарорлигини мустаҳкамлаш борасида халқаро ва минтақавий ташаббусларни фаол илгари сурмоқда.

Давлатимиз раҳбари нутқининг аввалида Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғанга самимий меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдирди ҳамда Туркия ва Австралия ҳамраислигида ўтаётган конференцияга юқори даражада тайёргарлик кўрилганини эътироф этди.

Мамлакатимиз етакчиси таъкидлаганидек, Ўзбекистон иқлим ўзгаришига қарши курашиш бўйича глобал саъй-ҳаракатларни изчил қўллаб-қувватлаб келмоқда ҳамда ўз тараққиёт моделини “яшил” технологиялар асосида, табиий ресурслардан оқилона фойдаланган ҳолда қурмоқда.

Халқаро ҳамжамиятнинг эътибори бу борада миллий миқёсда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ва эришилган натижаларга қаратилди.

Углерод чиқаришни камайтириш доирасида мамлакатимиз ялпи ички маҳсулот бирлигига тўғри келадиган газ чиқиндиларини 35 фоизга қисқартириш борасидаги мақсадини муддатидан олдин бажарди. 2035 йилга қадар ушбу кўрсаткични 50 фоизга етказиш бўйича янги марра белгиланди.

Сўнгги ўн йилда иқтисодиётимизда сув сарфи деярли икки бараварга, ҳавзалардан олинаётган сув миқдори эса бешдан бир қисмга камайди. Суғориладиган ер майдонларининг 60 фоизида сув тежовчи технологиялар жорий этилди.

Ерларни қайта тиклаш бўйича олиб борилган кенг кўламли ишлар натижасида мамлакатимизда ўрмонлар майдони олти миллион гектарга кўпайтирилди, унинг учдан бир қисми Оролбўйи ҳудудига тўғри келади.

Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ БМТ ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲАДЛИ КОНВЕНЦИЯСИ ТОМОНЛАРИ КОНФЕРЕНЦИЯСИНИНГ 31-СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли Президент Режеп Таййип Эрдоған Жаноблари!

Ҳурматли давлат ва ҳукумат раҳбарлари!

Ҳурматли конференция раиси!

Хонимлар ва жаноблар!

Аввалambор, Ўрта ер денгизининг гавҳари бўлмиш Анталияда бизга кўрсатилаётган анъанавий меҳмондўстлик учун Туркия Республикаси Президенти, қадрли биродарим Режеп Таййип Эрдоған Жаноби Олийларига чин қалбдан миннатдорлик билдираман.

Туркия ва Австралия ҳамраислигида анжуманга юқори даражада тайёргарлик кўрилганини алоҳида эътироф этмоқчиман.

Ўзбекистон иқлим ўзгаришига қарши курашиш бўйича глобал саъй-ҳаракатларни изчил қўллаб-қувватлаб келмоқда. Биз янги тараққиёт моделимизни “яшил” технологиялар асосида, табиий ресурслардан оқилона фойдаланган ҳолда қуряпмиз. Иқтисодиёт тармоқларида углерод сарфини жадал суръатда камайтиряпмиз. Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулот бирлигига тўғри келадиган газ чиқиндиларини 35 фоизга қисқартириш борасидаги мақсадини муддатидан олдин бажарди.

Биз 2035 йилга бориб зарарли чиқиндиларни 50 фоизга камайтириш бўйича янги маррани белгиладик. Тараққиёт ва табиат қонунлари ўртасида бузилган мувозанатни тиклаш “яшил” энергия ҳажмини мунтазам ошириб боришни талаб этади. Яқин тўрт йилда Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергия манбаларининг улуши 54 фоизга етказилади.

Биз ўз олдимизга сувдан оқилона фойдаланиш бўйича ҳам қатъий мажбурият қўйганмиз. Бу борадаги саъй-ҳаракатларимиз аллақачон ижобий натижа бермоқда. Ўн йил ичида иқтисодиётимизда сув сарфи деярли икки бараварга, ҳавзалардан олинаётган сув миқдори эса бешдан бир қисмга камайди. Суғориладиган ер майдонларининг 60 фоизида сув тежовчи технологиялар жорий этилди.

Келгуси йилдан Ўзбекистон Оролни қутқариш халқаро жамғармасига раислик қилади. Трансчегаравий ҳавзаларни бошқаришдек масъулиятли вазифани юқори савияда амалга оширишга тайёрмиз. Шу билан бирга, ерларни кенг кўламда қайта тиклаш ишларини олиб боряпмиз. Мамлакатимизда ўрмонлар майдони олти миллион гектарга кўпайтирилди, унинг учдан бир қисми Оролбўйи ҳудудига тўғри келади.

Бундан ташқари, уч миллиард доллардан ортиқ инвестиция йўналтириладиган “Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегияси”ни жорий этдик.

Ўзбекистонда юритилаётган давлат сиёсатида ёшлар масаласи марказий ўрин тутади. Халқимизда “Дарахтдан мева оламан десанг, уни ниҳол пайтидан бошлаб парвариш қил” деган мақол бор.

Мамлакатимизда болаларнинг экологик тарбияси оила, маҳалла ва мактаб фаолиятининг уйғунлиги асосида йўлга қўйилган. Ёш авлодга сувни тежаш, дарахтларни парвариш қилиш, атроф-муҳитни тоза ва озода сақлаш боғчаданоқ ўргатилади.

Юртимизнинг ҳар бешинчи фуқароси мактаб ўқувчиси ёки талабадир. Тизимли экологик таълим-тарбия туфайли 2050 йилга бориб, Ўзбекистон аҳолисининг тўртдан уч қисми табиатни асраш бўйича пухта билимга эга бўлади.

Қадрли дўстлар!

Иқлим муаммоларига ҳеч бир давлат ёлғиз ҳолда ечим топа олмайди.

Марказий Осиёда музликларнинг эриши, сув танқислиги, қурғоқчилик каби хатарларнинг кўлами ортмоқда. Умумий таҳдидлар минтақа давлатларидан муштарак ҳаракатларни талаб қилади. Шу боис, Марказий Осиёнинг Иқлим интеграцияси моделини ривожлантириш ташаббусини илгари сурамиз. Ушбу ҳамкорликни учта асосий йўналишдан бошлашни таклиф қиламан.

Биринчиси — ахборот йўналиши.

Бу борада Жаҳон метеорология ташкилоти кўмагида иқлим хавф-хатарлари тўғрисида маълумот алмашиш инфратузилмасини яратиш зарур. Дастлабки босқичда табиий офатлар пайтида тезкор чора-тадбирлар кўриш учун эрта огоҳлантириш тизимини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ. Навбатдаги муҳим қадам — секин-аста юзага келадиган табиий офатларни мониторинг қилиш бўйича кўрсаткичлар ва уларга асосланган қўшма механизмларни шакллантиришдан иборат.

Иккинчиси — технологик йўналиш.

“Яшил” технологиялар тупроқни қайта тиклаш, қурғоқчил ҳудудларда углеродни ютиш, чанг ва қум бўронларига қарши курашишда ёрдам беради.

Ҳар йили Марказий Осиёнинг “Eco Expo” кўргазмасини ўтказяпмиз. Унда илғор тажриба, истиқболли инновациялар билан ўртоқлашяпмиз. Биз бу кўргазмани минтақамизга мос замонавий экологик ечимлар берадиган доимий инвестиция ва технологиялар майдонига айлантиришни мақсад қилганмиз.

Учинчиси — молиявий йўналиш.

Марказий Осиё маҳаллий шароит ва эҳтиёжлар ҳисобга олинадиган барқарор молия манбаларига муҳтож. Бу борада тараққиёт банклари ва мақсадли жамғармалар билан биргаликда Марказий Осиё учун янги кўмак воситалари — имтиёзли грантлар, шунингдек, “мовий” ва “арид” молиялаштириш механизмларини ишлаб чиқишни таклиф этамиз.

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Конференцияда иштирок этаётган барча мамлакатлар ва халқаро тузилмаларни Иқлим интеграцияси моделини амалий мазмун билан бойитишга чақирамиз. Ушбу ҳаётбахш моделни барча манфаатдор минтақаларда қўллашни таклиф этамиз.

Келажак авлод учун фаровон ҳаёт ва қулай шарт-шароит яратиш ҳамда она сайёрамизни асраб-авайлаш барчамизнинг инсоний бурчимиздир.

ЯНГИ КЕЛИШУВЛАР ВА ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Анталия шаҳрида БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича 31-конференцияси доирасида Жаҳон банки гуруҳи президенти Ажай Банга, Финляндия Президенти Александр Стубб, Словения Республикаси Президенти Наташа Пирц Мусар, Бангладеш Халқ Республикаси Бош вазири Ториқ Раҳмон, БМТ Бош котибининг ўринбосари, БМТнинг Чўлланишга қарши курашиш конвенцияси ижрочи котиби Ясмин Фуад ва БМТ Тараққиёт дастури Администратори Александр Де Кроо билан учрашув ўтказди.

Жаҳон банки гуруҳи президенти Ажай Банга билан учрашувда ушбу етакчи халқаро молия институти билан стратегик шерикликни янада кенгайтиришнинг амалий жиҳатлари кўриб чиқилди. Ҳамкорликдаги лойиҳалар портфели қарийб 16 миллиард долларга етди.

Декабрь ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган Халқаро тараққиёт уюшмаси маблағларини ўрта муддатли ўрганиш бўйича форумга тайёргарлик кўриш масалалари муҳокама қилинди.

Ўсиш ва иш ўринларини яратиш дастурини амалга ошириш, шериклик бўйича янги Мамлакат дастурини тайёрлаш, инфратузилмага хусусий инвестицияларни жалб қилиш, хусусийлаштириш ҳамда сув хавфсизлигини таъминлаш каби масалалар ҳамкорликнинг устувор йўналишлари сифатида белгилаб олинди.

Финляндия Президенти билан мулоқотда Александр Стуббнинг ўтган йили Ўзбекистонга расмий ташрифи давомида эришилган келишувларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзаро савдо ҳажмини ошириш, металлургия, энергетика ва геология соҳаларидаги қўшма лойиҳаларни жадаллаштириш ҳамда экология ва сув ресурслари соҳаларидаги ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

2027 йил бошида Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилиши ва бизнес форумини ўтказиш муҳимлиги таъкидланди.

Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Словения Республикаси Президенти Наташа Пирц Мусар билан учрашувда ўтган йили Словенияга амалга оширилган ташриф давомида эришилган келишувларни бажариш масалалари ҳамда савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Товар айирбошлаш ҳажми ўсгани мамнуният билан қайд этилди. Транспорт, шаҳарсозлик, муҳим минерал ресурслар ва фармацевтика соҳаларида кооперацияни ривожлантириш ҳамда маданий ва туристик алмашинувларни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Давоми 2-бетда

Буюк ўзбек йўли

“ЎЗ” ҒОЯСИ – МАҚСАДГА ЭЛТУВЧИ КУЧ

Ўзбекистоннинг янги тарихий босқичга қадам қўйганига ҳам ўн йил бўляпти. Бу давр ўзбек халқи миллий тарихида, ҳеч муболағасиз, оламшумул воқеаларга бойлиги, халқимиз қадр-қиммати ошгани, жамиятимиз мустаҳкам барқарорликка эришгани, давлатимиз равнақи янада ортгани, жаҳон айвонида дўстларимиз сафи тобора кўпайиб бораётгани билан муҳим.

Гапнинг очиғи, энди янги Ўзбекистондаги туб ислоҳотлару ўзгаришлар ҳақида кимлargадир айтиш, уларнинг аҳамиятини тушунтиришнинг зарурати қолмади. Чунки бугун юртимизнинг барча аҳолиси ана шу ислоҳотларни ташқаридан туриб пассив кузатувчи эмас, балки унинг фаол иштирокчисига айланди. Бу — аксиома.

Шу жамиятнинг аъзоси сифатида яна бир жиҳатни уққандек бўлдим: юртимиздаги ўзгаришлар, ислоҳотлар бугун умумхалқ ҳаракатига айланиб улгурди. Тўғри-да, ўз моҳияти, кўлами жиҳатидан 39 миллион халқли бутун бир давлатни қамраб олган ўзгаришлар фақат ва фақат аҳолининг жипслиги, ягона ва тўғри ғояга асосланган, мақсад ва ният уйғунлаштира олингани учун ҳам амалга ошгани ҳеч кимга сир эмас-ку! Ҳар қандай умуммиллий ҳаракат бутун бир жамият аъзоларининг танланган ғоя, стратегик мақсадларга ишонгани, улардан манфаат кўргани туфайлигина содир бўлиши мумкин.

Назаримда, миллатни бирлаштирган, ёркин келажакка йўналтира олган, мақсад-муддаоларни уйғунлаштирган ғоя Янги Ўзбекистон ва Учинчи Ренессанс ғояларидир. Аниқ эсимда: ушбу ғояларни Президентимиз эълон қилганида унга ишонқирамай, шубҳа билан қараганлар ҳам бўлди. Ҳаммасини вақт кўрсатади. Ўшанда иккиланганларнинг барчаси бугун ушбу ғоялар тарғиботчиси, улар рўёби йўлида қатъий ҳаракат қилмоқда.

Ҳа, бугун ҳақиқатан ҳам дунё харитасида ўзининг барча жиҳати билан ажралиб турган, жаҳондаги энг кучли, номдор давлатлару халқаро ташкилотларни ўзига ром этган янги Ўзбекистон жаҳон айвонига дадил қадамлар билан кириб келмоқда. Халқимизнинг қалби ва онгидан мустаҳкам ўрин олиб, умумхалқ ҳаракати даражасига кўтарилган Янги Ўзбекистон ғояси, унинг бош тамойили — “инсон қадри учун” масаласи мамлакатимиз довруғини олам ичра таратмоқда. Гапларимнинг биротасида бўрттириш, масалага ортиқча бўёқ бериш йўқ. Бу — айни ҳақиқат.

Давоми 3-бетда

Президентимиз келгусидаги қўшма саъй-ҳаракатлар борасида ўз нуқтаи назарини баён қилиб, иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммоларга ҳеч бир давлат якка ўзи ечим топа олмаслигини таъкидлади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2026 йил 12 ноябрь, 235-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

БАРҚАРОР, ОСОЙИШТА ВА АДОЛАТЛИ КЕЛАЖАК САРИ

Бошланиши 1-бетда

“Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегияси” ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

Ўзбекистонда юритилаётган давлат сиёсатида ёшлар масаласи марказий ўрин тутиши алоҳида таъкидланди.

— Мамлакатимизда болаларнинг экологик тарбияси оила, маҳалла ва мактаб фаолиятининг уйғунлиги асосида йўлга қўйилган. Ёш авлодга сувни тежаш, дарахтларни парвариш қилиш, атроф-муҳитни тоза ва озода сақлаш боғчаданоқ ўргатилади, — деди Ўзбекистон Президенти.

Юртимизнинг ҳар бешинчи фуқароси мактаб ўқувчиси ёки талаба экани қайд этилди. Бу эса 2050 йилга бориб Ўзбекистон аҳолисининг тўртдан уч қисми табиатга ғамхўрлик руҳида таълим олишини англатади.

Президентимиз келгусидаги қўшма саъй-ҳаракатлар борасида ўз нуқтаи назарини баён қилиб, иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммоларга ҳеч бир давлат якка ўзи ечим топа олмаслигини таъкидлади.

— Марказий Осиёда музликларнинг эриши, сув танқислиги, қурғоқчилик каби хатарларнинг кўлами ортмоқда. Умумий таҳдидлар минтақа давлатларидан муштарак ҳаракатларни талаб қилади, — деди давлатимиз раҳбари.

Шу муносабат билан Марказий Осиёнинг Иқлим интеграцияси моделини ривожлантириш ташаббуси илгари сурилди. Ушбу йўналишдаги ҳамкорликни учта асосий йўналиш бўйича бошлаш мақсадга мувофиқлиги билдирилди.

Биринчиси — ахборот йўналиши. Бу борада Жаҳон метеорология ташкилоти кўмагида иқлим хавф-хатарлари тўғрисидаги маълумотлар алмашинуви инфратузилмасини яратишга киришиш таклиф этилди.

Иккинчиси — технологик йўналиш. “Eco Expo” кўргазмасини минтақамизга мос замонавий экологик ечимлар берадиган доимий инвестиция ва технологиялар майдонига айлантиришга тайёрлик билдирилди.

Учинчиси — молиявий йўналиш. Маҳаллий шароит ва эҳтиёжлар ҳисобга олинадиган барқарор молиялаштиришни таъминлаш учун тараққиёт банклари ва мақсадли жамғармалар билан биргаликда янги кўмак воситалари — имтиёзли грантлар, шунингдек, “мовий” ва “арид” молиялаштириш механизмларини ишлаб чиқиш ташаббуси илгари сурилди.

Президент Шавкат Мирзиёев сўзининг якунида конференция иштирокчиларини иқлим интеграцияси моделини амалий мазмун билан бойитишга чақирди ҳамда ушбу ҳаётий муҳим моделни дунёнинг барча манфаатдор минтақаларида қўллашни таклиф этди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикасига амалий ташрифи якунланди.

ЎзА

ЯНГИ КЕЛИШУВЛАР ВА ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Бошланиши 1-бетда

Томонлар ўзаро шерикликни, шу жумладан, Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик доирасида янада мустаҳкамлашдан манфаатдор эканини тасдиқладилар.

Бангладеш Халқ Республикаси Бош вазири Ториқ Раҳмон билан мулоқотда Ўзбекистон — Бангладеш муносабатларини янада фаоллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Сўнгги йилларда икки томонлама алоқалар жадал тус олгани, товар айирбошлаш ҳажми ўсгани мамнуният билан қайд этилди.

Учрашувда ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш ва уни амалий мазмун билан бойитиш, жумладан, сиёсий мулоқотни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий шериклик ва саноат кооперациясини кенгайтиришга келишиб олинди.

Шунингдек, халқаро ташкилотлар доирасидаги ўзаро қўллаб-қувватлашни давом эттириш ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

БМТ Бош котибининг ўринбосари, БМТнинг Чўлланишга қарши курашиш конвенцияси ижрочи котиби Ясмин Фуад билан учрашувда чўлланишга қарши курашиш, таназзулга учраган ерларни тиклаш ва иқлим ўзгариши оқибатларини бартараф этиш соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Самарали ҳамкорлик доирасида сўнгги беш йил давомида 15 та қўшма лойиҳа амалга оширилгани мамнуният билан қайд этилди.

Оролбўйи ҳудудида экологик мувозанатни тиклаш, ўрмонлар майдонини кенгайтириш ва қурғоқчил экотизимлар барқарорлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Углерод ютилишини ҳисобга олиш механизмларини такомиллаштириш ва карбон молияси маблағларини жалб этиш муҳимлиги таъкидланди.

Учрашув якунида чўлланишга қарши курашиш ва экологик барқарорликни таъминлаш соҳаларида шерикликни янада мустаҳкамлаш ҳамда қўшма ташаббусларни илгари суриш юзасидан келишувга эришилди.

БМТ Тараққиёт дастури Администратори Александр Де Кроо билан учрашувда барқарор ривожланиш ва иқлим ўзгариши оқибатларини бартараф этиш соҳаларида БМТ Тараққиёт дастури билан кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. БМТ Тараққиёт дастурининг мамлакатимиз учун 2030 йилгача бўлган даврга мўлжалланган янги дастурини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Шериклик ижобий суръатда ривожланаётгани мамнуният билан қайд этилди. Охирги беш йилда умумий қиймати 120 миллион доллардан зиёд бўлган 100 дан ортиқ қўшма лойиҳа амалга оширилди, ҳамкорликнинг умумий ҳажми эса 550 миллион доллардан ошди.

Учрашув якунлари бўйича томонлар “яшил” трансформация, иқлим молияси маблағларини жалб қилиш, Оролбўйи бўйича қўшма дастурларни амалга ошириш ҳамда иқлим ўзгариши оқибатида юзага келадиган йўқотишлар ва зарарни баҳолаш механизмларини такомиллаштириш йўналишларида ҳамкорликни фаоллаштиришга тайёр эканини билдирди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари Туркияга амалий ташрифи доирасида Туркий давлатлар ташкилотининг янги тайинланган бош котиби Мирвоҳид Азимовни қабул қилди.

Учрашув давомида жорий йил 11 ноябрдан ўз лавозимига киришаётган Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби олдида турган устувор вазифалар, Ўзбекистон ва ташкилот ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ҳамда уни янада ривожлантириш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

Шунингдек, 2027 йилда Ўзбекистонда ўтказилиши режалаштирилаётган ТДТ саммитига пухта тайёргарлик кўриш, уни юқори ташкилий савияда ва мазмунли ўтказиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Учрашув якунида давлатимиз раҳбари Мирвоҳид Азимовни масъулиятли лавозимга тайинлангани билан табриклаб, унинг Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби сифатидаги фаолиятига муваффақиятлар ва самарали натижалар тилади.

ЎзА

МУАММОЛАР ШУНЧАКИ ЎРГАНИЛМАЙДИ

Амударё туманида аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш борасида ислоҳотлар авж олган. Бунинг учун тадбиркорлик ривожига эътибор қаратилиб, янги иш ўринлари очилмоқда. Буни мазкур йўналишда кун сайин ўсиб бораётган рақамлар ҳам тасдиқлайди.

Тумандаги Дарё бўйи маҳалласида истиқомат қилувчи Ширnotion Жуманиязова оиласида ногиронлиги бўлган фуқаролар яшайди. Шу сабаб камбағаллик реестрига киритилди. Лекин у шароитга кўникиб қолмади. Тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирди. Маҳалла масъуллари, ҳоким ёрдамчиси ва маҳалла банкири кўмагида оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш учун банкдан кредит олиб, кичик овқатланиш марказини очди. Бугун бу маскан фақат бир оиланинг ризқ-рўзига хизмат қилаётган тадбиркорлик субъекти эмас. Ширinoid Жуманиязова уч нафар хотин-қизнинг доимий бандлигини ҳам таъминлади.

Туманнинг Алишер Навоий маҳалласида тадбиркор Шарофат Йўлдошева ташкил этган кооперацияда эса 30 га яқин хотин-қиз ишлайди.

— Бу ерда аёллар кийимлари экспорт учун тайёрланмоқда, — дейди тадбиркор. — Шунингдек, туманимизнинг “Чойкўл” ва “Тўлқин” овул фуқаролар йиғинлари биноларида ҳам тикувчилик йўналишидаги филиалларни очганмиз. Бу ҳам қўшимча иш ўрни.

Шарофат Йўлдошева бошқа маҳаллалардаги хотин-қизларга ҳам тикувчилик сирларини ўргатмоқда. Жумладан, Жайҳун ва Дўрман маҳаллаларида хотин-қизларни ўқитиш, касбий кўникмаларини ошириб, келгусида шундай кооперацияларни ташкил этиш борасида ишлар бажариляпти.

Амударё туманидаги кичик саноат зонаси ҳам тадбиркорлар учун ишлаб чиқаришни кенгайтириб, янги иш ўринлари очишда самара бермоқда. Жумладан, тадбиркор Жасур Бобожонов ташаббуси билан “Аму-Тепло” бренди остида иситиш қозонлари, шунингдек, темир эшик ва дарвозалар ишлаб чиқарилмоқда. Бу ерда 10 дан ортиқ ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминланган.

— Маҳаллаларда ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектлари, тикувчилик кооперациялари, ишлаб чиқариш корхоналари ва оилавий бизнеслар орқали ҳудуддаги ишсиз фуқаролар ишли бўлмоқда. Бу ташаббусларнинг ҳар бири алоҳида лойиҳа бўлса-да, уларни бирлаштириб турадиган ягона мақсад бор. Бу — аҳоли даромадини ошириш, оилаларнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш ва инсон учун муносиб меҳнат шароитларини яратиш, — дейди Амударё тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Фахриддин Юсупов. — Бугун ҳудуд тараққиётини фақат рақамлар билан баҳолаб бўлмайди. Унинг ҳақиқий мезони одамларнинг ҳаётида юз бераётган ўзгаришларда кўринмоқда. Янги иш ўринлари очилиб, оилалар даромади ошмоқда.

Бугун тумандаги 49 та маҳаллада 41 минг 326 та хонадон мавжуд. Уларда 220 мингга яқин одам яшайди. Ўтказилган хатлов ва ўрганишлар натижасида камбағал оилаларнинг таркиби, муаммолари ва эҳтиёжлари аниқлаб олинган.

— Камбағаллик реестрига 2050 та оила киритилган. Ўрганишлар давомида ушбу оилаларнинг 774 аъзоси ишсиз, 1808 нафари паст даромадли, 339 нафари эса норасмий фаолият билан шуғулланаётгани аниқланди, — дейди Фахриддин Юсупов. — Бундан ташқари, тумандаги ишсиз 3570 фуқаронинг имкониятлари ҳам ўрганилган. Уларнинг 1571 нафари муайян касбий кўникмага эга, 714 нафарида кўникма мавжуд эмас, 1285 нафарининг эса тадбиркорликка лаёқати борлиги аниқланган.

Албатта, бу рақамларнинг ҳар бири ортида инсон тақдири ва келажаги турибди. Шу боис, муаммоларни шунчаки қайд этиш эмас, балки уларни амалий лойиҳалар орқали бартараф этиш асосий вазифадир.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бугун жаҳон иқтисодиётида рақобат кучайиши, технологик ўзгаришлар, рақамлаштириш ва демографик жараёнлар ҳар бир мамлакат олдига мавжуд инсон капиталидан самарали фойдаланиш вазифасини қўймоқда. Бундай шароитда иқтисодий ўсишни фақат табиий ресурслар, инвестициялар ёки ишлаб чиқариш ҳажми билан таъминлаб бўлмайди. Мамлакатнинг энг муҳим стратегик бойлиги билимли, малакали, ташаббускор ва меҳнат бозорида рақобатбардош инсон ресурсларидир.

АЁЛЛАР САЛОҲИЯТИ – МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ СТРАТЕГИК РЕСУРСИ ВА ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

Бу жараёнда аёлларнинг билим ва касбий салоҳияти, иқтисодий мустақиллиги, тадбиркорлик ташаббуси ҳамда ижтимоий-сиёсий қарорлар қабул қилишдаги иштироки алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, аёллар меҳнат салоҳиятидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш нафақат гендер тенглик, балки миллий иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва барқарор тараққиётни таъминлашнинг ҳам муҳим шартидир.

БМТнинг 2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривожланиш кун тартибида гендер тенгликни таъминлаш алоҳида мақсад сифатида белгиланган. Хусусан, 5-мақсад — “Гендер тенгликка эришиш ва барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ҳамда имкониятларини кенгайтириш” нафақат ижтимоий адолат, балки иқтисодий самарадорликнинг муҳим шарти ҳамдир. 8-мақсад — “Муносиб меҳнат ва иқтисодий ўсиш” эса барча учун самарали бандлик, муносиб иш ўринлари ва меҳнат ҳуқуқлари таъминланишини назарда тутади.

Жаҳон тажрибаси кўрсатадики, аёлларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш ишлаб чиқариш салоҳияти, аҳоли даромадлари, истеъмол талаби ва инсон капитали сифати юксалишига бевосита таъсир кўрсатади. Демак, хотин-қизларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтиришни ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг бир йўналиши эмас, балки иқтисодий ўсишнинг муҳим манбаи сифатида баҳолаш лозим.

Янги Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, таълим олиши, касб эгаллаши, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши ҳамда муносиб меҳнат шароитларига эга бўлиши давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Сўнгги йилларда бу борада кенг ҳуқуқий, ташкилий ва молиявий асослар шакллантирилди. Энг муҳими, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш сиёсати муайян ижтимоий гуруҳга ёрдам кўрсатиш доирасидан чиқиб, уларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш ва миллий тараққиёт жараёнларига кенг жалб этишга қаратилган тизимли ёндашувга айланмоқда.

Бунинг амалий натижаларини қуйидаги рақамларда ҳам кўриш мумкин. Жумладан, жами иш билан банд аёллар сони 2023 йилда 5,8 миллионни ташкил этган бўлса, 2025 йилда 6,4 миллионга етган. Бу икки йилда 10,3 фоиз ўсиш демакдир. Йил давомида ишга жойлаштирилган хотин-қизлар сони ҳам 2023 йилдаги 396,5 мингдан 2025 йилда қарийб 514,5 мингга етиб, 29,7 фоиз ошган.

Яна бир муҳим натижа аёллар ўртасида ишсизлик даражаси пасайишидир. Хусусан, 2023 йилда иқтисодий фаол хотин-қизлар орасида ишсизлик 10,4 фоизни ташкил этган бўлса, 2025 йилда 6,5 фоизга тушган. Бу рақамлар меҳнат бозорида аёллар иштироки кенгайиб бораётганини кўрсатади.

Хотин-қизларнинг тадбиркорлик фаолиятидаги иштироки ҳам сезиларли даражада кенгаймоқда. Жумладан, тадбиркорликка ўқитилган аёллар сони 2023 йилда қарийб 209,5 мингни, 2025 йилда эса 334 мингдан зиёдни ташкил этган. 2023 йилдагига нисбатан ўсиш 59,6 фоизга тенг. Албатта, бу рақамлар ортида минглаб оилаларнинг даромад манбаи, ўз бизнесини бошлаган тадбиркор аёллар, касб эгаллаган ёш қизлар ва иқтисодий мустақиллик сари дадил қадам ташлаган инсонлар тақдири мужассам.

Эндиги муҳим вазифа эса хотин-қизлар тадбиркорлигини фақат кичик бизнес ва ўзини ўзи банд қилиш даражасида сақлаб қолмасдан, уни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, экспорт бозорларига чиқиш, замонавий технологияларни жорий этиш ва қўшилган қиймати юқори маҳсулотлар яратишга йўналтиришдир. Бунинг учун молиявий ресурслар билан бирга бизнес маслаҳатлари, маркетинг, рақамли кўникмалар, менежмент ва халқаро бозорларга кириш имкониятларини ҳам кенгайтириш зарур.

Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш масаласи халқаро ҳуқуқнинг муҳим йўналишларидан бири. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 23-моддаси ҳар бир инсоннинг меҳнат қилиш, ишни эркин танлаш, адолатли ва қулай меҳнат шароитларига эга бўлиш ҳамда тенг меҳнат учун тенг ҳақ олиш ҳуқуқини белгилайди.

БМТнинг Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияси ҳам аёлларнинг меҳнат соҳасидаги тенг ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган муҳим халқаро ҳуқуқий асосдир.

Ўзбекистонда ҳам хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларини таъминлаш, меҳнат ва бандлик соҳасида камситишга йўл қўймаслик миллий қонунчиликда мустаҳкамланган. Жумладан, “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонун ҳамда янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси ушбу ҳуқуқий кафолатларнинг муҳим пойдеворидир. Бироқ ҳуқуқий кафолатларнинг мавжудлиги ўз-ўзидан иқтисодий тенгликни таъминламайди. Гендер тенгликнинг ҳақиқий мезони қонунда белгиланган ҳуқуқларнинг ҳар бир аёлнинг кундалик ҳаётида, меҳнат фаолиятида, даромад олишида ва иқтисодий қарорлар қабул қилиш имкониятида реал намоён бўлади.


Жаҳон банки маълумотларига кўра, 2025 йилда Ўзбекистонда меҳнат бозоридаги иқтисодий фаоллик даражаси аёллар ўртасида 41,2 фоизни, эркакларда эса 73,9 фоизни ташкил этган. Бу фарқ мамлакатимизда аёллар меҳнат салоҳиятидан фойдаланиш имкониятлари ҳали тўлиқ ишга солинмаганини кўрсатади. Бунда оилавий масъулият, болалар парвариши, касбий малака билан меҳнат бозори талаблари ўртасидаги номутаносиблик каби омилларни ҳам ҳисобга олиш зарур.


Аёлнинг оиладаги масъулияти касбий ва иқтисодий ривожланишига тўсиқ бўлмаслиги керак. Бунинг учун мактабгача таълим хизматларини кенгайтириш, мослашувчан иш шакллари, масофавий бандлик, касбий қайта тайёрлаш ва муносиб меҳнат шароитларини ривожлантириш муҳимдир.

Шунингдек, аёллар томонидан бажариладиган ҳақ тўланмайдиган уй меҳнати ва парвариш ишларининг иқтисодий-ижтимоий аҳамиятини ҳам эътироф этиш лозим. Чунки фарзанд тарбияси, оила фаровонлиги ва кекса авлод парваришига сарфланаётган меҳнат жамиятнинг ижтимоий барқарорлиги, келажак авлоднинг соғлом ва билимли бўлиб шаклланишига хизмат қилади. Шу боис, меҳнат сиёсатида оилавий масъулият ва касбий фаолият ўртасидаги мувозанатни таъминлаш долзарб вазифадир.

Бугун билимга асосланган иқтисодиёт шароитида инсон капитали мамлакатнинг энг муҳим рақобат устунлигига айланмоқда. Хотин-қизларнинг олий таълим, илмий тадқиқотлар, инновациялар ва замонавий касбларга жалб этилиши келажак иқтисодиёти учун стратегик аҳамият касб этади.

Президентимизнинг 2019 йил 21 августдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонида мамлакатимизни 2030 йилга қадар Глобал инновацион индекс рейтинги бўйича жаҳоннинг энг илғор 50 та давлати қаторига киритиш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Ушбу стратегик мақсадга эришишда хотин-қизларнинг илмий, интеллектуал ва касбий салоҳиятидан самарали фойдаланиш муҳим. Чунки инновацион иқтисодиёт ривожи жамиятда мавжуд билим ва қобилиятларнинг қай даражада иқтисодий натижага айлантирилишига боғлиқ.





> **Жаҳон банки маълумотларига кўра, 2025 йилда Ўзбекистонда меҳнат бозоридаги иқтисодий фаоллик даражаси аёллар ўртасида 41,2 фоизни, эркакларда эса 73,9 фоизни ташкил этган. Бу фарқ мамлакатимизда аёллар меҳнат салоҳиятидан фойдаланиш имкониятлари ҳали тўлиқ ишга солинмаганини кўрсатади. Бунда оилавий масъулият, болалар парвариши, касбий малака билан меҳнат бозори талаблари ўртасидаги номутаносиблик каби омилларни ҳам ҳисобга олиш зарур.**

Шу нуқтаи назардан, эндиги мақсад фақат қизларни таълим билан қамраб олиш эмас, балки олинган билимни юқори унумли меҳнат, инновацион ишланмалар ва рақобатбардош маҳсулотларга айлантиришдир. Айниқса, ахборот технологиялари, муҳандислик, сунъий интеллект, молия, рақамли иқтисодиёт ва юқори технологияли ишлаб чиқариш йўналишларида хотин-қизлар иштирокини кенгайтириш зарур. Аёл олимларнинг илмий ишланмаларини тижоратлаштириш, стартап лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, илмий муассасалар ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳам муҳим вазифалардан.

Жаҳон банкининг 2026 йилги “Аёл, бизнес ва қонун” ҳисоботида Ўзбекистон 100 баллик тизимда 82,1 балл тўплаб, 190 та давлат орасида 48-ўринни эгаллагани ва ўз позициясини 43 поғонага яхшилагани ҳам мамлакатимизда хотин-қизларнинг иқтисодий ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш борасидаги ислоҳотларнинг халқаро эътирофидир. Бироқ халқаро рейтингдаги ўриннинг яхшиланиши якуний мақсад эмас. Асосий мезон қонунчиликда белгиланган ҳуқуқ ва кафолатларнинг ҳар бир аёлнинг кундалик ҳаёти, меҳнат фаолияти, даромади ва иқтисодий мустақиллигида акс этишидир.

БМТнинг Хотин-қизлар мақоми бўйича комиссияси доирасидаги халқаро мулоқотлар айнан шу жиҳатдан аҳамиятлидир. Бундай майдонлар давлатларнинг миллий тажрибасини тақдим этиш, самарали сиёсат механизмларини таққослаш ва умумий муаммоларга амалий ечимлар топиш имконини беради. Ўзбекистон бу жараёнда фақат халқаро тажрибани ўрганувчи мамлакат эмас, балки хотин-қизларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш, тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, касбий таълим ва молиявий имкониятларини кенгайтириш бўйича шаклланган миллий тажрибага эга давлат сифатида ҳам иштирок этмоқда. Бунда энг муҳим вазифа эришилган натижаларни холис таҳлил қилиш, самарали механизмларни халқаро тажриба билан бойитиш ва янги ҳамкорлик йўналишларини белгилашдан иборат.

Бугун жаҳон иқтисодиёти сунъий интеллект, автоматлаштириш, рақамли платформалар ва янги технологик ечимлар таъсирида тубдан ўзгармоқда. Бу жараён меҳнат бозори олдига янги талабларни қўймоқда: энди фақат мавжуд касбий малака эмас, балки рақамли саводхонлик, таҳлилий фикрлаш, ижодкорлик, муаммоларга ечим топиш ва доимий ўқиб-ўрганиш қобилияти ҳам инсоннинг рақобатбардошлигини белгилайди.

Сунъий интеллект қатор анъанавий касб ва вазифаларни ўзгартириши, айрим меҳнат жараёнларини автоматлаштириши билан бирга янги касблар, иш ўринлари ва тадбиркорлик имкониятларини ҳам яратмоқда. Шу боис, хотин-қизларнинг технологик ўзгаришларга мослашуви, рақамли кўникмаларни эгаллаши ва янги иқтисодий фаолият турларига кириб бориши стратегик аҳамият касб этади.

Айни пайтда технологик тараққиёт барча учун бир хил имконият яратади деб бўлмайди. Агар аёлларнинг рақамли таълим, замонавий технологиялар, молиявий ресурслар ва юқори малакали иш ўринларига кириш имкониятлари етарли бўлмаса, технологик ўзгаришлар мавжуд тенгсизликни янада чуқурлаштириши мумкин. Шунинг учун сунъий интеллект даврида гендер тенглик сиёсатининг мазмуни ҳам янги босқичга кўтарилиши зарур.

Бугунги рақамли ва интеллектуал иқтисодиётда мамлакатнинг рақобатбардошлиги аёллар меҳнатидан қай даражада фойдалана олиши эмас, балки уларнинг билим ва қобилиятини қай даражада юқори қиймат яратадиган иқтисодий кучга айлантира олиши билан ҳам белгиланади. Шу боис, хотин-қизлар салоҳиятини рўёбга чиқаришни ижтимоий сиёсатнинг алоҳида йўналиши эмас, балки Ўзбекистоннинг узоқ муддатли иқтисодий тараққиёт стратегияси, инсон капиталини ривожлантириш ва инновацион иқтисодиётни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми сифатида қараш лозим. Чунки аёлга яратилган муносиб меҳнат шароити нафақат унинг бугунги иқтисодий мустақиллиги, балки мамлакатнинг эртанги интеллектуал салоҳияти, ижтимоий барқарорлиги ва иқтисодий ўсишининг ҳам муҳим кафолатидир.

Жамила БОБОНАЗАРОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси

Буюк ўзбек йўли

“ЎЗ” ҒОЯСИ – МАҚСАДГА ЭЛТУВЧИ КУЧ



Абдухалил МАВРУЛОВ,
тарих фанлари доктори, профессор

Бошланиши 1-бетда

Тарихчи бўлганим учунми, ҳар доим у ёки бу воқеа-ҳодиса ҳақида фикр юритганимда унинг тарихи, генезисига назар ташлашга одатланганман. Қачон ва қайси тарихий даврда мамлакатимиз равнақ топган, халқ фаровонлиги ошган, одамларда юртга, етакчисига катта ҳурмат-эҳтиром уйғонган бўлса, буларнинг барчаси хоҳ шоҳ, хоҳ подшоҳ ёки хону амирлар бўлсин, уларнинг маданият, санъатга муносабати, зиёлиларни қай даражада қўллаб-қувватлаганига боғлиқ бўлган. Бунга миллий тарихимизда мисоллар жуда кўп.

Улар ҳар доим ҳақиқий ватанпарвар, халқпарвар сифатида шу мамлакат ва миллат тақдири, келажаги учун ўз сўзларини айта олди. Масъулиятни ўз зиммасига олиш, мамлакат ва миллат манфаатини ҳар нарсадан юқори қўйиш уларнинг ҳаётий тамойили бўлган. Халқини ҳимоя қилиш, бу йўлда ўз сўзини айта олиш миллий тарихимизда ҳар доим устувор аҳамият касб этган.

Ана шулар ҳақида ўйларканман, Президентимизнинг киноижодкорлар билан тарихий учрашуви ҳамда унда илгари сурилган стратегик ташаббуслар ҳақида ўйга чўмаман. Давлатимиз раҳбари аввалларидек ҳам кўп бора такрорлаган **“ЎЗ”** ғоясини янада ривожлантирди. Киноижодкорлар билан учрашувда ушбу ғоянинг санъатдаги ифодасини **“Ўзлигимизни англаб, ўз ҳикоямизни ўз овозимиз билан дунёга айтиш”,** деб таърифлади.

Ўзбекистон Президенти ўша учрашувда “ЎЗЛИК” деганда олис тарих ёдимизга келиши, айни пайтда бугун барчамиз билан елкадош бўлиб, миллат ва мамлакат дардида, бунёдкорлик йўлида ўзини фидо қилишга тайёр ўқитувчилар матонати, шифокорлар жонкуярлиги, Ватан ҳимоячилари ва аскарлар жасорати, тадбиркорлар ташаббускорлиги, қурувчилар маҳорати, ёшлар орзу-изланишлари ҳақида таъсирли фильмлар ишлаш лозимлиги ҳақида мулоҳазалар билдирди. **“Фарзандларимиз шундай қаҳрамонларда ўзини кўрсин, ўз кучига ишонсин, ўз юртининг келажагига дахлдорлигини ҳис этсин”,** деди давлатимиз раҳбари.

Ушбу сатрларни ёзарканман, гўё бир қарашда оддий, ҳар куни муомалада бўладиган “ўз” сўзига, унинг замиридаги ғояга етарли эътибор бермаганимизни, бу оддий сўз эмаслигини, унинг маъно-мазмуни миллат ва мамлакат тақдири билан боғлиқлигини англаб етаман. Бу ўринда яна бир бор Президентимиз бизга ўрнак бўлди. Кейинг, шу сўз ҳақида икки оғиз фикрлашсакда, сўнг асосий масалага ўтсак.

“Ўз”, дарҳақиқат, оддий сўз эмас. Унинг чуқур фалсафий, тарихий маънолари ҳамда миллий ўзликни англашдаги ўта таъсирчан ўрни бор. Ҳар бир халқнинг тафаккур тарзи, дунёқараши ва тарихий хотираси унинг тилидаги энг асосий, ўзак сўзларида муҳрланади. Ўзбек халқи учун ана шундай стратегик аҳамиятга эга тушунча “ўз” сўзидир. Бу сўз шунчаки кишилик олмоши ёки тилшуносликнинг бирлиги эмас, балки миллатнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва келажагини белгиловчи, миллий ўзликни англашнинг бош калити.

“Ўз” сўзи қадимги туркий тилдан бошлаб, ҳар доим инсоннинг ички моҳияти, софлиги ва бошқалардан ажралиб турувчи ўзига хослигини ифодалаб келган. Бу сўз замирида эркинлик, мустақиллик ва асиллик ётади. “Ўзлик” атамаси эса инсоннинг ёки бутун жамиятнинг “Мен кимман? Муайян миллат вакили сифатида қандай қадриятларга эгаман?” деган саволларига жавоб беради.

Барчамизга аёнки, шахс ўзлигини англамай туриб, миллий ўзлигини шакллантиролмайди. Шу сабабли аждодларимиз “Ўзингни англа”, “Ўзингни намоён қил”, “Ўзингни йўқотма” каби ҳикматларга эътибор бериб келган. Ўзликни англаш — тарихни билиш, маданиятни ҳис этиш ва аждодлар меросига содиқ қолиш, демак.

Миллий ўзликни англаш миллатнинг тили, дини, урф-одатлари, тарихий-фалсафий меросини ягона бутунлик сифатида жамият томонидан қабул қилишдир. Бу жараёнда “Ўз” ғояси ҳар доим ўз сўзини айтиб келган. Бу ғоя, биринчидан, миллатнинг ўзига хослиги, жумладан, ўзбек халқининг ўзига хос феъл-атвори, меҳмондўстлиги, бағрикенглиги, каттага ҳурмат, кичикка иззат кўрсатиш каби фазилатларини, иккинчидан, ўз тилимиз, маданиятимиз, давлатчилигимиз, миллий қадриятларга азалий меҳр-муҳаббатимизни англатади.

“Ўз” ғоясининг бугунги ўрни ва аҳамияти тобора ортиб боряпти. Бунга глобаллашув, ахборот технологияларининг ривожланиши, азалий, анъанавий дунёни медиамакон ҳар томондан тобора сиқувга олаётгани ҳам кучли таъсир қилмоқда. Бугун ўз сўзига эга бўлмаган ҳар қандай давлат ёки миллат замонавий ахборот майдонидаги шафқатсиз курашга, одатий ҳолга айланиб бўлган манфаатлар қарама-қаршилигига бардош беролмай, йўқлик уммонига ғарқ бўлиши тайин. Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг киноижодкорлар билан учрашувдаги қуйидаги фикрини эслашни жуда ўринли деб ўйлайман: глобал дунёда ўз қобиғидан чиқиб, халқаро мезонлар асосида ишлаганлар ютади. Чунки глобаллик кенг танловларни тақдим этади. Ана шу рақобат эса ўзига хослик, замон талабини олдиндан ҳис этиш имконини беради.

Ана шундай мураккаб шароитда “Ўз” ғояси бизнинг ўтмишимиз ва келажагимизни боғлаб турувчи олтин кўприкдир. Миллий ўзликни англаш эса оддий туйғу эмас, балки миллатнинг яшаб қолиш имконияти, турли ғоявий-мафкуравий таҳдидлардан асрашнинг маънавий кўпригидир.

“Ўз” ғояси “миллийлик” сўзи билан маънодош. Қаерда “ўз” сўзи йўқолса, билингки, ўша жойда инсоннинг ўз миллийлигини намоён этиш, миллий тараққиёт сари ўзини сафарбар қилиш имконияти барбод бўлаверади. Бунга кўҳна тарихимиздан мисоллар жуда кўп.

Ўзбек халқи ўз миллий тарихининг муайян даврида мустамлакачилар, зулмкорлар қўл остида яшашга мажбур бўлди. Бундай даврларда инсоннинг ўз сўзини айтиши асло мумкин бўлмади. Яқин тарихимиз бўлмиш собиқ мустабид тузумни олиб кўрайлик. Буни ёши улуғлар жуда яхши билади: биз бировнинг сўзини айтишга, бировнинг қўшиғини куйлашга, бировнинг ғояси асосида яшашга мажбур бўлдик-ку! Ўша даврларда ҳеч бир соҳада ўзлигимизни намоён қилиш мумкин бўлмади. Биз учун “ўйлайдиганлар, фикр юритадиганлар”, бизнинг ҳар бир ҳаракатимизни белгилаб берадиган, гапирадиган гапимизни “тушунтириб берадиган” қанчадан-қанча “раҳнамолар”ни кўрдик!

Айниқса, бу ҳолат ўзбек миллий маданияти ва санъатида яққол кўринган эди. Шунинг учун ҳам Президентимиз жорий йил 1 июнда маданият ва санъат, адабиёт вакиллари билан учрашувда миллий ўзлик ва руҳиятни ифодалашда ижод ва санъатдан кучлироқ ҳамда таъсирлироқ восита йўқлигини қайд этиб, бундай фикрларни илгари сурди: **“Миллий руҳнинг йўқолиши ўзгалар ғоясига қулликни оширади”; “Бизга миллий руҳни уйғотадиган санъат керак, халқни илҳомлантирадиган адабиёт керак, ёшларга фахр ва ифтихор берадиган кино керак, қалбларни жунбишга келтирадиган мусиқа керак”; “Қайси миллатнинг адабиёти бой, мусиқаси юракка яқин, театри ҳаётий, киноси таъсирчан, санъати жозибадор бўлса, ўша халқнинг овози дунёда баланд эшитилади”.**

Ҳар кимнинг ўз сўзини айтиши жуда катта масъулият талаб қилади. Чунки бу дунё — мусобақали дунё. Бугун ҳар ким ўз ғоясини илгари сургиси, ўз сўзини айтгиси келади. Шундай экан, ҳар қандай одам, раҳбар, давлат айтмоқчи бўлган сўзининг қийматини, таъсир даражасини олдиндан онгли равишда англаши лозим.

Бунинг учун айтилмоқчи бўлган ҳар бир сўзнинг, олға суриладиган “Ўз” ғоясининг салмоғи, унинг одамлар, жамият томонидан қай даражада қабул қилиниши, сўзнинг ортида турган режа, мақсад, стратегик имкониятлар аввалдан ўйланган, илмий жиҳатдан асосланган бўлишига жиддий эътибор бериш талаб этилади.

Бугун одамларни оддий сўз билан алдаб бўлмайди. Улар айтилган сўзнинг натижасини кутади. Қолаверса, сўз айтган хоҳ у оддий инсон, хоҳ раҳбар бўлсин, бошқаларга ўрнак бўлолмаса, ортидан ҳеч ким юрмайди. Президентимиз таъбири билан айтганда, **“Етакчининг, ўз ортидан эргаштиришнинг энг тўғри йўли — бу шахсий ўрнак ва намуна бўлишдир”.**

Шубҳасиз, миллий тарихимизда мамлакат ва миллат тақдирини ўйлаб жон фидо қилган, халқ манфаатларини ўйлаб, катта-катта ислоҳотларни амалга оширган, юртимиз нуфузини бутун оламга ёйган кўплаб давлат раҳбарлари, подшоҳлару шоҳлар ўтган. Бироқ халқ фаровонлиги, юрт тинчлиги ҳақида ваъдалар бериб, унинг устидан чиқмаган давлат раҳбарлари ҳам кам эмас. Дарҳақиқат, узоқ ва яқин тарихга назар ташлар эканмиз, қанчадан-қанча етакчилар, раҳбарлар ўз халқига берган ваъдаларга гувоҳ бўламиз. Ваъдалар берилаверди, илмий асосланмаган режалар тузилаверди. Одамлар эса ишонаверди. Бироқ булар ваъдалигича қолаверди. Охир-оқибатда халқ олдида етакчи-раҳбарларнинг юзи шувут бўлиб, обрўсизланиб, тарихдан муносиб жой ололмади.

Миллий тарихимизда бир неча ўнлаб давлат ва давлат бирикмалари бунёд бўлган. Аммо қайси етакчи тарихдан, демакки, халқимиз юрагидан жой олди? Афсуски, уларнинг сони жуда ҳам кўп эмас. Ахир шахсий манфаатлари гирдобида ўралашиб қолган, тушларида ҳам фақат ва фақат мулдият ва маишатдан бошқа нарсаларни кўрмаган, халқнинг дарди, бугуни ва келажаги ҳақида ўйлашга ҳатто вақти бўлмаган етакчию хон, подшоҳлардан яна нимани кутиш мумкин эди?

Бугун-чи? Бугун ана шулар ҳақида ўйлар эканман, хаёлимга янги Ўзбекистоннинг етакчиси, илғор ислоҳотчиси, замонавий бунёдкор раҳбари — Шавкат Мирзиёев келаверади. Давлатимиз раҳбари фаолиятининг биринчи куниданоқ ўз сўзини, **“ЎЗ” ғоясини** илгари сурди. Ўз сўзини айтишнинг катта масъулияти бор. Амалга ошириладиган ислоҳотлар кўлами аниқ-тиниқ режалаштирилмас, моддий-иқтисодий имкониятлар ва одамларнинг ижтимоий кайфияти, салоҳияти эътиборга олинмас экан, ваъда қилинган ўзгаришлар, чиройли шиорлар қоғозда қолиб кетаверади.

Бироқ Шавкат Мирзиёев феномени ҳам моҳиятан, ҳам шаклан бўлакча. Бу феномен учун ёлғон ваъдалар, имконсиз нарсаларга одамларни умидвор қилиш бегона. Қолаверса, одамлар ҳис-туйғулари билан ўйнашиб бўлмаслиги, уларнинг сабрини синаш ҳам энди мумкин эмасди. Чунки замонавий дунё шиддат билан ривожланар, мамлакат ва миллат олдидаги барча соҳадаги муаммолар тобора қалашиб бораётган эди. Бошқача сўз билан айтганда, одамлар янги раҳбардан янги сўзни кутар эди.

Шундай пайтда Президентимиз ўз сўзини қуйидаги тарзда айтди: **“Одамларимиз ислоҳотлар натижасини эртага эмас, ўз ҳаёти, ўз оиласи мисолида бугун кўришлари керак”.** Дарҳақиқат, айтилган бу сўз ўз ифодасини топди. Мана бугун орадан деярли ўн йил ўтиб, ўшанда белгиланган вазифалар рўёбини халқимиз ўз танасида ҳис қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ўз сўзидаги марказий мавзу — инсон омили, унинг қадри масаласи. Мамлакатдаги ҳар бир ислоҳот замирида инсон манфаатлари устувор аҳамият касб этмоқда. Яқин-яқингача юртимизда амал қилган “давлат — жамият — инсон” тамойилининг Президентимиз таклифи билан “инсон — жамият — давлат” тамойилига айлантирилганининг ўзини сўнгги йилларда ижтимоий-сиёсий соҳадаги энг йирик ва таъсирчан ислоҳот сифатида кўриш мумкин.

Келинг, сўзимиз исботи учун айрим мисолларни келтирайлик. Бундан ўн йил аввал биз Ўзбекистонда камбағаллик даражаси юқори, уни қисқартирмай туриб, давлат ва жамият тараққиётига, одамлар фаровонлигига эришиш мумкин эмас деган гапни айта олмас эдик. Президентимиз бу борада ўз сўзини айтди. **“Халқимизда,** — деб ёзади Шавкат Мирзиёев, — **“Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади” деган доно мақол бор. Биз анча йиллар ана шу ҳикматни унутиб, “Ўзбекистонда ҳамма бирдай тўкис ва фаровон яшаяпти” деган гапга ишониб яшадик. Бошқаларни ҳам шунга ишонтиришга уриндик. Аммо ойни этак билан ёпиб бўлмайди. Бугун бутун дунё юртимиздаги аҳволни кўриб-билиб турибди. Афсуски, вақтида тегишли чоралар кўрилмагани оқибатида бу муаммо анча чуқурлашиб кетди”.**

Ўз сўзини ўз вақтида айтишнинг ҳикмати катта. Ҳақиқатан ҳам биринчи маротаба камбағаллик мавжудлиги очиқчасига айтилгани муаммони тезроқ ҳал этишга имкон берди. Гапнинг очиғи, бундай аҳволда ортиқ яшаб бўлмас эди. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида 2017 йилдаги 35 фоизлик камбағаллик даражаси бугунга келиб 4 фоизга туширилди.

Узоқ йиллар биз адолатли, инсонпарвар давлат барпо этдик деб ғурурланиб турган бир пайтда **“Ўзбекистонда коррупция ҳолатлари кўпаймоқда, уларни бартараф этмасдан туриб, янги ислоҳотларни ўтказиш асло мумкин эмас”,** деган сўзни айтиш жуда қийин эди. Президентимиз бу сўзни айтишдан қўрқмади. Соғлиқни сақлаш, қурилиш, таълим ва бошқа соҳалардаги коррупция ҳолатлари йилдан йилга авж олиб бораётган бир даврда ушбу муаммони ҳал этмай, ҳеч қандай ислоҳотни амалга ошириб бўлмас эди. Бу борадаги тизимли ишлар эса бугун ўз натижаларини кўрсатмоқда.

Мамлакатимиз етакчиси халқнинг дарди, ташвишини яхши биладиган йирик стратег сифатида Ўзбекистондаги барча муаммою имкониятларни яхши билади. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбарининг ҳар бир сўзи аслида халқнинг сўзи, у билан ҳамоҳанг сўзлар эди. Айниқса, **“Ўзини ўзгартира олган халқ, ҳеч шубҳасиз, ҳаётни ҳам, ижтимоий муҳитни ҳам ўзгартира олади, ўз мурод-мақсадига етади”,** деган таъкидида жуда катта маъно-мазмун бор эди.

Ҳақиқатан ҳам биз яхши яшашни истасак, фаровон ҳаётда давру даврон сурмоқчи бўлсак, аммо ўзимизни ўзгартирмасак, тафаккур тарзимиздаги эскича моҳият билан яшасак, замонавий фикрлай олмасак, унда бизнинг барча ўй-хаёлимиз пуч бўлмайдими? Хўш, унда ўзини ўзгартириш қачон ва қай ҳолатда юз бериши мумкин?

Ўзини ўзгартириш инсоннинг ўз сўзини айта олиши билан бошланади. Бировларга қарам, бировнинг фикри билан ҳаракат қиладиган одамнинг ўз сўзи бўлиши мумкин эмас. Бу борада ҳам Президентимиз бизга ўрнак бўлди. Келинг, шу ўринда яна бир муҳим масала бўйича фикрлашайлик. Миллий мустақиллигимизнинг дастлабки чорак асрида, шубҳасиз, талай ишлар бажарилди. Миллий мустақилликнинг пойдевори барпо этила бошлади. Янги йўлга чиқиб олишга ҳаракат қилдик.

Бироқ ташқи сиёсатда, халқаро ҳамжамият билан ҳамкорлик борасида қатор камчиликларга йўл қўя бошладик. Биргина мамлакатимизнинг қўшни давлатлар билан ўзаро муносабатлари масаласини олиб кўрайлик. Бир пайтлар бир-бирига яқин, бир ҳудуд, ягона қадрият ва диний эътиқодга эга ўзбек, қирғиз, қозоқ, тожик, туркман халқлари ўртасидаги муносабатлар таранглашиб, сиёсий, ҳатто айрим ҳолларда қуролли можарога айланиб кетишига бир баҳя қолган вақтларни унутиб бўладими?!

Чегаралардаги муаммолар, юз йиллар давомида қуда-андачилик, қариндош-уруғчилик ришталари билан боғланиб кетган Марказий Осиё халқларида бир-бирига ишончсизлик, адоват кучайган-кучайиб бораверди. Бу, ўз навбатида, қатор иқтисодий, сиёсий, маданий соҳаларда зиддиятли ҳолатларни юзага келтирди. Айниқса, иқтисодий сиёсатимизда катта аҳамиятга эга бўлган қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, сув ресурсларига доир манфаатлар — буларнинг барчаси минтақа давлатлари ва халқлари ўртасидаги ўзаро келишмовчиликларни тобора кучайтираверди.

Бундай шароитда минтақа халқлари, жаҳондаги етакчи сиёсатдонлар, тинчликсевар кучлар Марказий Осиёни зиддиятли, “сиёсий жараёнлар портлаш эҳтимоли” кучли бўлган ҳудуд сифатида рўйхатга киритганини кўпчилик билади. Ана шундай шароитда “Ўз” ғоясини илгари сурадиган, ўз сўзини айтадиган, минтақадаги мураккаб вазиятни таҳлил қилиб, уни тўғри ўзанга солиб юборадиган сиёсий лидер, кучли стратегга эҳтиёж яққол сезила бошлади.

2016 йилда ана шундай лидер топилди. Бу — Ўзбекистоннинг янгича фикрлайдиган, сиёсий жараёнларни оқилона ва одилона таҳлил қилиб, ягона тўғри йўлни кўрсата оладиган, ўз сўзининг ҳақлигига ишониб, уни минтақадаги мустақил давлатлар раҳбарларига айтишга жазм қилган Шавкат Мирзиёев эди. Ўша даврдаги минтақа давлатлари ҳамкорлиги даражасидан қониқиш ҳосил қилмаган Ўзбекистон раҳбари бундай деди: **“Марказий Осиёнинг бугуни ва келажаги, мамлакатимиз ва халқларимиз фаровонлиги кўп жиҳатдан умумий саъй-ҳаракатларимиз, яқиндан ҳамкорлик қилиш, минтақа манфаатларини биргаликда илгари суришга тайёрлигимизга боғлиқ”.**

Бундан тўққиз-ўн йиллар аввал ўзаро ҳамкорлик фақат шиорлар, чақириқлар билан эмас, реал ҳаётда ҳал этилгандагина одамлар рози бўлиши мумкинлигини баралла айтган, минтақа давлатлари ўртасидаги чегара муаммоларини ҳал этишга киришган ва ҳал этган **Шавкат Мирзиёевдан бугун Марказий Осиёнинг барча халқи миннатдор. Одамлар бугун минтақа давлатлари ҳамкорлигидаги ишларни кўриб кўзи қувонади, ўртамиздаги тўсиқнинг олиб ташланишида бош-қош бўлган Ўзбекистон раҳбарига ўз сўзини айта олгани учун олқишлайди.**

Ҳа, давлатимиз раҳбарининг бу сўзи нафақат минтақа мамлакатлари раҳбарлари, сиёсатдонлар, айни пайтда жаҳон афкор оммаси тарафидан ҳам эътироф этила бошлади. Бу жиҳат, айниқса, Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеяси сессияларида, бошқа турли халқаро анжуманларда ўз сўзини ўз она тилида ифодалаган пайтларда яққол сезилди. Ўшанда кўплаб халқаро сиёсатдонлар, экспертлар Марказий Осиёда минтақанинг тинчлиги ва хотиржамлиги учун кафолат берадиган, янгича тафаккур тарзига эга, узоқни кўзлаган стратег шаклланаётганини қайд этган эди.

Аслида, давлатимиз раҳбарининг инсоний сурати ва сийрати, жиддий, қатъиятли ва иродали табиати, масалаларга концептуал ёндашуви, ўз тасарруфидаги инсон капитали ва стратегик устунликлар, буларнинг Президентимизнинг “Ўз” ғояси билан уйғунлашуви кейинги ўн йилликдаги барча ютуқларимизнинг гарови, энди эришишимиз лозим бўладиган муваффақиятларнинг пойдеворидир. Шу ўринда туркиялик таниқли олим, ижодкор, жамоат арбоби Кемал Явуз Атаманнинг “Мен таниган Ўзбекистон” китобидан қуйидаги иқтибосни келтиргим келди: **“Унинг ҳар бир ҳаракатида ўзининг азиз халқини ва юртини энг майда деталларигача танийдиган, миллатнинг ўтмишда бошдан кечирган машаққатлари, дарду аламлари, долзарб муаммолари ва келажакка умиду интилишларини чуқур ҳис қиладиган етакчи тимсоли намоён бўлади. Бу чуқур билим ва воқифлик, айни пайтда жамият аъзоларига юксак ишонч ва шижоат бағишлаётганини алоҳида таъкидламоқ керак”.**

Давлатимиз раҳбарининг халқаро минбарларда ўзбек тилида мулоқотга киришиши, энг аввало, кўп миллионли халқимизнинг ғурурини оширди, она Ватанимизга меҳр-муҳаббатимизни янада теранлаштирди. Мамлакатлар, халқлар ўртасидаги тинчлик, ҳамкорлик, аввало, алоҳида бир давлатдаги ижтимоий-маънавий муҳитнинг нечоғлик соғломлигига боғлиқ эканини қалбдан ҳис этган давлатимиз раҳбари бундай ёзади: **“Жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлашда ҳеч ким четда турмаслиги, “Ўз болангизни, ўз уйингизни, ўз Ватанингизни кўз қорачиғидек асранг!” деган шиор одамларимиз қалбидан чуқур жой олиши керак”.**

Ўз сўзини айтишнинг, “Ўз” ғоясини илгари суришнинг чуқур фалсафаси бор. Бунинг учун, энг аввало, сўзловчи инсон ўзининг ҳақлигига ишониши, қўйилган муаммони реал ҳаётда бажариш имконияти борлигини тўғри ҳисоб-китоб қилиши керак. Қолаверса, ҳар бир сўз, билдирилган фикрнинг ўз ғояси бўлиши лозим. Янги Ўзбекистонда барча ислоҳотдан кўзланган ягона мақсад инсон қадрини улуғлаш, халқимиз учун муносиб шароит яратишдир.

Инсон, айниқса, раҳбар ходим ўз сўзининг устидан чиқа олмаса, халқ олдида обрўси тушиб бораверади. Айтилган сўзлар, берилган ваъдалар ўз ижроси билан муҳим. Ғойибдан келадиган бахту саодатни, тагзамини бўш шароитларни, аслида, мавжуд бўлмаган имкониятларни ўртага қўйиб, катта ваъдалар эвазига сохта обрў топишга уринганларнинг қанчасини кўрдик. Шунинг учун ҳам Президентимиз фақат ва фақат ўз кучимизга ишонишимизни, тасодифий, тагзамини бўш, енгил ғояларга маҳлиё бўлмасликни доим уқтириб келади.

Президентимиз илгари сураётган “Ўз” ғояси моҳиятини ташкил этаётган яна бир жиҳат борки, унга алоҳида тўхталиш лозим. Бу ушбу ғояни амалга оширишни реал ҳақиқатга айлантирадиган куч ва имкониятнинг мавжудлигидир. Инсон, айниқса, миллат ва мамлакат тақдирига масъул ҳар қандай шахс ўз сўзини айтишдан аввал, шубҳасиз, ана шу куч ва имкониятни “чамалаб”, “шунчаки кўриб” эмас, аксинча, уларни ҳар томонлама ўрганиб, илмий жиҳатдан асослаб, қўлга киритилиши мумкин бўлган натижани олдиндан кўра билиши керак.

Ҳа, куч ва имкониятни аввалдан таҳлил қилиб, ундан сўнг жамиятдаги ижтимоий-маънавий муҳитни, халқнинг кайфияти, куч-қудрати, илмий-маънавий салоҳиятини эътиборга олган ва унга суянган ҳолда улуғ мақсадлар сари интилган ҳар қандай сиёсий лидернинг сўзи кўчада қолмайди.

Ушбу сўзларни ёзяпман-у, мамлакатимиздаги бундан ўн йил аввалги ҳолат, айниқса, бугунги миллат етакчиси, ўша даврда эса Ўзбекистон Президентлигига номзод бўлиб турган Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 1 ноябрда Бухоро вилояти сайловчилари олдидаги нутқини эслайман. Ўзбекистон катта куч ва имкониятларга эга эканини ақл тарозисидан ўтказиб, юрак-юракдан ҳис этган ва келгусида миллий тараққиётнинг реал истиқболларини яхши тасаввур этган Шавкат Мирзиёев бундай деган эди: **“Бу стратегияни амалга ошириш учун бизнинг барча имкониятимиз мавжуд. Юртимизнинг беқиёс ижтимоий-иқтисодий, интеллектуал-маънавий салоҳияти, ер ости ва ер усти бойликлари, дунё миқёсидаги муносиб эътибори, жамиятимиздаги мустаҳкам тинчлик ва барқарорлик муҳити олдимизга қўйган улкан ва эзгу мақсадларга эришишда, ҳеч шубҳасиз, энг муҳим омиллар бўлиб хизмат қилади”.**

Янги Ўзбекистонда ўша ўн йил аввал айтилган сўз бугун амалга ошди, унинг рўёбини барчамиз кўриб турибмиз. Ҳақиқатан ҳам ўз кучи ва имкониятларига ишонч халқимизни жипслаштирди, улуғ мақсадлар йўлида бирлаштирди.

Ўтган ўн йил бутун жамиятимизни ўзгартириб юборди. Биз энди ўн йил аввалги ўзбекистонликлар эмасмиз. Мудраб турган халқ уйғонди, халқимиз ҳеч қандай тақиқларсиз ўз сўзини айта олиш имкониятига эга бўлди. Аслида, барчамиздан ўз сўзимизни айтишни ҳам давлатимиз раҳбарининг ўзи ўргатди.

Бугунги ўзбек ўз сўзини турли соҳаларда ихтиролар, янгиликлар яратиб, жаҳон миқёсида ўтказилаётган турли сиёсий жараёнлар, маданий мулоқотлар, спорт ареналарида қўлга киритаётган амалий натижалари билан кўрсатиб келяпти. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон, ўзбек деган ном дунё миқёсида баралла жаранглаяпти. Биз бугун дунё мафкуравий-ғоявий майдонида кучли рақобатлар, зиддиятлар бошланган, ёшларимиз тарбиясига жиддий таҳдидлар хавф солиб турган бир замонда фақат ва фақат ўз ғоямиз, ўз сўзимиз, ўз фаолиятимиз билангина олдимизда турган ўткир ва мураккаб муаммоларимизни ҳал этишимиз мумкин. Шу маънода, Президентимизнинг **“Агар биз бу ёруғ дунёда “ўзбек”, “Ўзбекистон” деган номлар билан яшаб қолишни истайдиган бўлсак, бу саволларга бугун жавоб топишимиз ва уларни ҳал этиш бўйича амалий ҳаракатларни айнан бугун бошлашимиз шарт. Эртага кеч бўлади”,** дегани бежиз эмас.

Жуда тўғри айтилган ва барчани сергакликка тортадиган фикрлар! Чунки глобал дунёдаги келишмовчилик, зиддиятлар ҳар кимдан ўзлигини намоён этишни талаб қилмоқда. Оддий ҳақиқат: “Сен ўзингнинг сўзингга эга бўлмасанг, бировнинг сўзини эшитишга ва унга амал қилишга мажбурсан!”. “Сен ўзингнинг ғоянгга эга бўлмасанг, бировнинг ғоясига эргашишга мажбур бўласан!”. Бировнинг сўзи инсонни ўзлигидан қайтарадиган, миллийлик сифатларини йўқотишга сабаб бўладиган, пировардида кимнингдир таъсирига тушиб қолишга олиб келадиган сўздир.

Бугун дунёда ўзининг куч-қудрати билан барчани қўрқув асосида ушлаб туриш, бунинг оқибатида ўз сиёсий-мафкуравий мақсадларига эришиш, бўлак давлатлар ва халқлар ҳисобига бойиб келган, бироқ энди ўша имкониятлардан бебаҳра бўлаётган қанчадан-қанча кучларнинг иштаҳаси очилгандан-очилиб келаётган бир пайтда фақат ва фақат Ўз сўзига ва ғоясига эга, уларнинг салмоғини ҳис этадиган миллат ва давлатгина омон қолиши мумкин.

Шу ўринда яна бир жиҳатга эътибор бериш лозим. Айримлар ўйлаганидек, Ўз сўзини айтиш худбинлик кўриниши эмас. “Ўз” ғояси инсонда қатъият, юксак ҳаётий мезонларга амал қилиш, тарих ва замон руҳини теран идрок этган ҳолда миллий манфаатларни ҳар қандай даражада, вақт ва маконда ҳимоя қилишга тайёрликдир. “Ўз” ғояси, аслида, бизни турли иллатлар, ғоявий-мафкуравий таҳдидлардан асровчи, шунингдек, худбинликнинг барча кўринишидан сақлаб қолувчи буюк куч.

Ўз сўзини айтиш виждонли одамнинг сўзидир. Ахир бу дунёда ўз сўзини айтолмайдиган, бировга кўр-кўрона эргашадиган, ўз эътиқодига, ўз билими ва савиясига, ўзининг қатъий фикрига эга бўлмаган қанчадан-қанча одам бор! Қолаверса, афсуски, ҳалиям орамизда жамият ва давлат манфаатларини оёқости қилишга мойил одамлар борлиги, бир-бирига фириб бериб, эҳтиёжини қондиришга уринишлар йўқолмаётгани кўпчиликни ташвишга солмоқда. **“Ўзимиз ўзимизга хиёнат қилмасак,** — дейди давлатимиз раҳбари, — **ўзимиз ўзимизни алдамасак, ҳалол-пок бўлиб меҳнат қилсак, мен аминман, кўзлаган барча марраларимизга, албатта, етамиз. Бу борада мен, аввало, кўп синовлардан ёруғ юз билан ўтган олижаноб халқимизнинг мустаҳкам иродаси ва бунёдкорлик салоҳиятига ишонаман”.**

Мамлакатимиз етакчиси илгари сурган “ЎЗ” ғояси одамларда ўзига ишонч уйғотади, уларда ўз замини, она Ватанига меҳр-муҳаббатни оширади, ғоявий-мафкуравий жиҳатдан ўзгача фикрлайдиганларнинг таъсирига тушиб қолишдан асрайди. Ўз ғоясига эга киши одатда юксак ғайрат-шижоатли, фидойи, жамиятни ва ўзини ўзгартиришга қодир, фаол инсондир. У шахсий манфаатларини жамият ва давлат манфаатларига уйғунлаштира олади.

Ҳа, бугунги дунёда яшаб қолиш, ўз манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакат ва миллат тақдирига дахлдорлик ҳар биримиздан ўз ғоямиз, ўз сўзимиз, ўз эътиқодимиз бўлишини талаб этмоқда. Шунинг учун ҳам ўзлигини йўқотмаган, ўз сўзини айта оладиган, ўзини ва жамиятни ўзгартиришга қодир кишилар билангина янги Ўзбекистонни, Учинчи Ренессансни, албатта, барпо этамиз.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллиги арафасида янги Ўзбекистонни барпо этиш ва келгуси ўн йилликда инсон қадрини юксалтиришга қаратилган стратегик ислоҳотлар режасини эълон қилди. Унда қайд этилган жами еттита миллий дастурнинг тўртинчиси сув ва табиатга муносабатни тубдан ўзгартиришдир.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz

yuz.uz_news

yuz.uz_news

“Ўзингни ёмон ҳис қилсанг, табиатга қулоқ сол”. Буюк мутафаккирлардан бирининг она табиат ҳақида айтган ушбу ҳикмати бир қарашда содда, тушунарли бўлса-да, қамров кўлами биз ўйлагандан жуда кенг ва моҳиятан чуқур мазмун касб этади. Айниқса, экологик муаммолар глобал миқёсда ўткирлашиб бораётган ҳозирги шароитда.



Экология

ТАБИАТ БИЛАН ОҚИЛОНА МУНОСАБАТГА ТАЙЁРМИСИЗ?

Албатта, дунё аҳолиси яшаш ва ишлаш давомида ер, сув, ҳаво, замин қаъридаги турли қазилмалардан фойдаланмай иложи йўқ, бироқ асосий муаммо ундан қандай фойдаланишда. Бугун кўпчилигимиз табиат гўзаллигидан завқланамиз, ҳаётбахш гўшаларда ором оламиз, аммо амалий жиҳатдан унга кўпроқ истеъмолчи сифатида ёндашамиз. Афсуски, ана шу жараёнда кўпинча табиатга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўламиз.

Кейинги пайтларда инсоннинг атроф-муҳитга таъсири глобал ва шиддатли тус олган. Бунда антропоген омиллар — инсон фаолияти билан юзага келаётган салбий ўзгаришлар етакчи сабабчига айланган. Бу атроф-муҳитгагина эмас, иқлим ўзгаришини ҳам кучайтирмоқда.



Экологик таҳдидларга чегаралар бегона

Жумладан, одамлар яшаш, ишлаш, янада қулай шароитда дам олиш учун ҳаддан зиёд кўмир, нефть ва газдан фойдаланади. Уларнинг ёқилишидан ажралиб чиқаётган карбонат ангидрид гази салмоғи ҳам тинимсиз ортиб бораётир. БМТ маълумотларига кўра, юқорида санаб ўтилган уч хил ёнилғи ҳиссаси атмосферага тарқалаётган барча иссиқхона газининг 75 фоизини ва карбонат ангидрид газининг 90 фоизини ташкил этади.

Бу мавзуда сўз юритилганда энг кўп қўлланиладиган “иссиқхона гази” нима дегани? У қандай пайдо бўлади ва экологияга қандай зарар етказади?

Илмий манбаларда таъкидланишича, унга сув буғи, карбонат ангидрид, метан, азот оксиди, фторли газлар киради. Улар қуёшдан келаётган нурларни ўзидан эркин ўтказади, бироқ ер юзасидан қайтаётган иссиқлик (инфрақизил) нурлари коинотга чиқиб кетишига йўл қўймай, атмосферада тутиб туради. Бу худди ойнаванд иншоот ичида иссиқлик тўпланишига ўхшайди.

Албатта, улар тегишли меъёрда бўлса, ҳаёт учун қулай ҳароратга зарар етмайди. Афсуски, охирги юз йилликда инсон фаолияти боис, уларнинг миқдори ҳаддан зиёд ошиб кетди. Иқлим ўзгариши, глобал исиш каби салбий оқибатлар келиб чиқишида уларнинг улуши улкан. Қўшимчасига, дунё бўйича бундай газларни ютиб, ўрнига кислород чиқарадиган миллионлаб гектардаги ўрмонлар кесилиб кетаётганига нима дейсиз?

Иссиқхона газлари қуёш иссиқлигини ер юзида узоқ вақт тутиб қолади ва бу табиий мувозанатнинг кескин бузилишига сабаб бўлади. Шу сабабли атмосферанинг пастки қатламларида ҳарорат меъёридан кўтарилиб бормоқда. Буни илмий маълумотларсиз ҳам одамлар йил сайин кучли ҳис этиб бораётир.

Айни пайтда олимлар коинотдаги, хусусан, қуёш фаоллигидаги турли ўзгаришлар ҳам иқлимга таъсир кўрсатишини ўз тадқиқотларида баён этмоқда. Бунинг устига, кейинги йилларда дунё миқёсида тез-тез юз бераётган қурғоқчилик, кучли жалалар, сув тошқини ва ўрмон ёнғинлари ҳам инсоннинг табиатга кўрсатаётган номувофиқ муносабатидан келиб чиқяпти. Абадий музликлар эриши кучайгани ва дунё океанлари сатҳи кўтарилаётгани шу жараёнлар оқибати.

Жаҳон ОАВда ушбу мавзуга оид кўплаб илмий тадқиқотлар, хулосалар ва келажакда юз бериши мумкин бўлган жараёнлар юзасидан хабарлар бериб борилмоқда. Гап умумий уйимиз — Ер сайёраси ва унинг табиатига тегишли экан, бирор янги маълумотни ўқиганда “Жуда узоқда экан, бизга тегишли эмас” маъносида хулоса чиқариш ўринли бўлмас. Жумладан, “Сибирда “ухлаётган улкан хавф” уйғонмоқда: метан ажралиши икки баробарга ортди” сарлавҳали мақолада иқлим исиши оқибатлари борасида тегишли маълумотлар айтилган. Унда ёзилишича, Арктика иқлимининг кескин исиши Сибирь минтақасида бир-биридан фарқ қилувчи иккита хавфли жараённи юзага келтирди. Live Science нашрининг хабар беришича, ушбу ўзгаришлар тупроқ остида асрлар давомида музлаб ётган органик моддаларни эритиб юбормоқда.

Ғарбий Сибирда ҳаво ҳарорати кўтарилиши ва ёғингарчилик кўпайиши ботқоқларни кенгайтирди. Бу эса у ердаги микроблар томонидан кўп миқдорда метан гази ишлаб чиқарилишига сабаб бўлди.

Шарқий Сибирда эса, аксинча, ўта иссиқ ва қуруқ ҳаво кузатилмоқда. Бу вазият йирик ўрмон ёнғинларини келтириб чиқарди ва музлаган ерларнинг янада тезроқ эришига йўл очди.

Олимларнинг таъкидлашича, Сибирь тупроғи остида сайёрамиздаги жами иссиқхона газларининг ярмига яқини сақланади. Агар глобал исиш шу тарзда давом этса, ушбу “ухлаётган хатар” бутунлай уйғониб, дунё иқлими учун ҳалокатли ва ортга қайтариб бўлмас оқибатларни юзага келтириши мумкин.

Охирги юз йилдан ортиқ вақт мобайнида дунё бўйича қанча кўл ва дарёлар бутунлай қуриб қолди. Шу оралиқда сайёрамизда ички чучук сув ҳавзаларининг 60 фоизи иқлим ўзгариши ва улардан аёвсиз, самарасиз фойдаланиш сабаб вақти-вақти билан қуриб қоляпти ёки бутунлай оқишдан тўхтаётир.

Узоққа бормайлик, яқин ўтмишда дунёдаги энг йирик кўлларнинг тўртинчиси деб эътироф этилган Оролни мисол сифатида келтириб ўтайлик. Дунёда қуриб қолаётган бундай сув ҳавзалари оз эмас. Тадқиқотлар хулосаларига кўра, дунёда ўнлаб денгиз ва кўл шундай хавф остида. Шу маънода, табиатни бўйсундириш эмас, унга муносабатни бутунлай, тубдан ўзгартириш шарт.

Дунё мамлакатлари бу борада якка ҳолда эмас, биргалашиб, ҳамжиҳатликда ва янги технологиялардан унумли фойдаланган ҳолда бундай хатарли муаммонинг олдини олиш учун курашга киришган.

Хусусан, Туркий давлатлар ташкилотининг 2026 йил май ойида Қозоғистоннинг Туркистон шаҳрида бўлиб ўтган норасмий саммитида мазкур масала кўриб чиқилди. Давлатимиз раҳбари томонидан 2027 йилни туркий дунёда “Табиатни асраш йили” деб эълон қилиш ташаббуси илгари сурилди. Бу глобал ва минтақавий иқлим ўзгариши даврида экологик ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишда катта аҳамият касб этади. Мазкур ташаббус “Табиатни асрайлик” мазмунидаги умумий мақсаднигина англатмайди, бу борада аниқ таклиф ва режалар кўрсатиб ўтилди.

Жумладан, туркий дунё миқёсида иқлим ўзгариши ҳамда экологик муаммоларга қарши мувофиқлаштирилган ҳамкорлик ҳаракатларини амалга ошириш, минтақада атроф-муҳит ва биологик хилма-хилликни асрашга қаратилган лойиҳаларни кучайтириш мазкур ташаббуснинг асосий йўналишлари қаторида таъкидланган. Бунда замонавий технологияларни жорий этиш, хусусан, иқлим ва табиат мониторингида сунъий йўлдош маълумотлари ва рақамли ечимлардан кенг фойдаланиш мўлжалланган.

Президентимиз саммитдаги нутқида бундай таъкидлаган эди: “Бу каби муаммоларга самарали ечим топиш учун сунъий йўлдош маълумотлари асосида Туркий давлатлар ташкилоти иқлим хатарларини мониторинг қилиш тизимини яратиш муҳим. Бунда қурғоқчиликни барвақт аниқлаш, тупроқнинг емирилиши ва музликларнинг эриши билан боғлиқ ҳолатни доимий кузатиб бориш, трансчегаравий сув ресурсларини бошқариш соҳасида сунъий интеллектни жорий этишга эътибор қаратиш лозим”.

Дарҳақиқат, инсон ва табиат қатор зиддиятли муносабатлар билан боғланган. Шу боис, техник тараққиёт экологик инқироз билан уйғунлашмай иложи йўқ. Яъни техника асрида яратилаётган ҳар қандай энг замонавий технология, аввало, инсониятнинг умумий уйи бўлган сайёрамиз, табиатни асраб-авайлашга хизмат қилиши кераклиги, унга зарар етказмасликка урғу берилмоқда.

Бу бежиз эмас, албатта. Бинобарин, туркий давлатларнинг катта қисми жойлашган Марказий Осиёда ҳаво ҳарорати жаҳон бўйича ўртача кўрсаткичга нисбатан икки баробар тез ошмоқда. Сўнгги олтмиш йил ичида эса музликлар майдони қарийб 30 фоиз қисқарган. Ваҳоланки, музликлар минтақа сув ресурсларининг қарийб 90 фоизи шаклланишида муҳим ўрин тутади. Улар қишлоқ хўжалиги, энергетика ва миллионлаб инсонлар ҳаётига боғлиқ бўлган Амударё ва Сирдарёни сув билан таъминлайди.

Аҳоли сони ва иқтисодиёт ўсиши ресурсларга эҳтиёжни оширмоқда. Башоратларга кўра, 2050 йилга бориб, Марказий Осиё аҳолиси 100 миллион кишига етади. Сув, озиқ-овқат ва энергияга талаб ортиб боради, иқлим ўзгариши эса ушбу ресурслар билан таъминланганлик даражасини олдиндан баҳолашни тобора қийинлаштирмоқда.

Маданий даража, тафаккуримиз мезони

Мазкур муаммоларни ҳал этиш йўллари ҳақида сўз юритилар экан, минтақавий ҳамкорликнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаш ўринли. БМТ иқлим соҳасидаги умумий мақсадларни белгилаб беради, бироқ уларга эришиш ҳар бир минтақанинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олишни талаб этади. Зеро, бир неча давлат ҳудудини қамраб олган дарё ҳавзалари ва музликлар тизимларини мувофиқлаштирилган саъй-ҳаракатларсиз сақлаб қолиш мумкин бўлмайди.

Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти директори Элдор Арипов нинг қайд этишича, глобал мулоқот қийинлашган шароитда минтақавий ҳамкорлик форматлари алоҳида аҳамият касб этади. Улар амалий ҳамкорликни давом эттириш ва умумий вазифаларни ҳал қилиш имконини беради. Шунинг учун табиий ресурсларни асраш ва иқлим ўзгаришига мослашишга қаратилган қўшма лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини ривожлантириш зарур. Бундай ёндашув умумий дарё ҳавзасининг ҳолатига боғлиқ бўлган барча мамлакатлар манфаатларини ҳисобга олишга имкон беради.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллиги арафасида янги Ўзбекистонни барпо этиш ва келгуси ўн йилликда инсон қадрини юксалтиришга қаратилган стратегик ислоҳотлар режасини эълон қилди. Унда қайд этилган жами еттита миллий дастурнинг тўртинчиси сув ва табиатга муносабатни тубдан ўзгартиришдир.

Келгуси беш йилда қишлоқ хўжалиги экин майдонларида сув тежайдиган технологиялар қамровини юз фоизга етказиш умуммиллий мақсад қилиб белгиланди. “Яшил макон” ҳаракатини эса янги сифат босқичига олиб чиқиш талаб этилмоқда. Мактаб, боғча, шифохона ва кўп қаватли уйлар атрофидаги яшил ҳудудларни жамиятнинг дахлсиз бойлиги сифатида муҳофаза қилиш дастурнинг асосий йўналишларидан бири. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: “Табиатга муносабат — халқнинг маданияти, давлатнинг масъулияти ва тараққиётнинг сифат кўрсаткичидир”.

Ҳа, юртимизда она табиатга муносабат тубдан ўзгармоқда. Зотан, бу фақатгина хўжалик ёки иқтисодий масалагина эмас, балки мамлакат тараққиёти йўлини, халқимиз тафаккурини, табиатга, сувга муносабатимизни акс эттирадиган кўзгу ҳамдир.

Рустам БОЙТЎРА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Таҳлил ва таққос

ЯЙЛОВЛАРДА “ЯШИЛ” ҲУДУДЛАР КЎПАЯДИ

Яйлов ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан, жумладан, экологик мувозанатни сақлашда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, чорвачилик ривожи, озиқ-овқат хавфсизлигида ҳам муҳим ўрин тутади. Шу маънода, яйловларнинг табиий шароити, тупроғи, ўсимликлар хилма-хиллиги, миқдори ва сув билан таъминланиш даражасини яхшилаш долзарб масала.



Қашқадарё вилоятининг катта қисми чўл ва ярим чўлдан иборат. Ҳудудда ёғингарчилик миқдори кам, сув ресурслари чекланган. Шу боис, яйловдан фойдаланиш масаласи нафақат чорвачилик, балки экологик барқарорлик ва аҳоли бандлигига ҳам бевосита боғлиқ. Маълумотларга кўра, бугунги кунда вилоятда жами 1,4 миллион гектар яйлов бор. Шундан 1,2 миллион гектари Чорвачилик ва яйлов хўжалигини ривожлантириш агентлиги, 126 минг гектари қишлоқ хўжалиги корхоналари, 135 минг гектари давлат ўрмон хўжаликлари фойдаланишида.

Мутахассислар таъкидича, шу йил 49 минг гектар ерни деградациядан чиқариш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Жумладан, Миришкор ва Нишон туманларида 7,2 минг гектар яйловнинг ҳолатини тиклаш мақсадида ҳимоя майдонлари яратилмоқда, Миришкор тумани Авазчўл ҳудудида 2 минг гектар майдонда уруғчилик майдони ташкил этилди. Шунингдек, Косон тумани Турон ҳудудидаги тадбиркор Азамат Ҳалимов томонидан 350 гектар яйловда чўл-яйлов ўсимликлари — саксовул, изен ва чўғон уруғчилиги йўлга қўйилди.

Кейинги йилларда воҳада яйловларда чорва молларини сув билан таъминлаш учун қатор лойиҳалар амалга оширилаётир. Мисол учун, жорий йилда 18 та суғориш қудуғи қазилди. Миришкор туманида 8 та, Нишонда 5 та, Муборакда 3 та, Косонда 2 та қудуқ ишга туширилди. Йил якунига қадар яна 10 та суғориш қудуғи қазиш режа қилинган.

Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 30 январдаги “Яйловларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишнинг замонавий механизмларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони талабларидан келиб чиқиб, 2025 йилда яйловлар тўлиқ хатловдан ўтказилди. 951 минг гектар яйловдан фойдаланиш мумкинлиги, 154 минг гектар яйловнинг сув таъминоти йўқлиги, шунингдек, 498 минг гектари деградацияга учрагани аниқланди. Шунингдек, вилоятнинг чўл ҳудудларида яйловлар ҳосилдорлиги 1,5-2 центнерни, тоғ ва тоғ олди ҳудудларида 4,5 центнерни ташкил қилмоқда. Бу кўрсаткичлар яйловлардан фойдаланишни ер майдони сифатида эмас, балки “сув — тупроқ — ўсимлик — чорва” ўзаро боғлиқ ягона экотизим сифатида бошқариш заруратини кўрсатмоқда.

Ҳозир вилоятдаги 1741 та чорвачилик хўжалигига 778 минг гектар яйлов тўғридан тўғри ижарага берилган. Яна 50 минг гектари аукцион савдога чиқарилмоқда. Аҳоли талаб ва истакларидан келиб чиқиб, 298 та маҳаллада 95 минг гектар ер жамоат яйловини ташкил этиш учун хатловдан ўтказилди. Бугунги кунда яйловларда 509 та тик қудуқ бор. Шундан 213 таси таъмирталаб.

Яйловлар ҳолатини тиклашда чорва молларини алмашлаб боқиш муҳим. Мутахассислар ҳисоб-китобларига кўра, 1,2 миллион гектар яйловнинг 258 минг гектари “яшил”, 444 минг гектар “сариқ” ва 498 минг гектар “қизил” ҳудудларни ташкил қилади. Энди “яшил” ҳудудларда нормативларга риоя қилинган ҳолда ўтлатишга рухсат берилади. “Сариқ” ҳудудларда мажбурий тартибда график асосида алмашлаб ўтлатиш жорий қилинади. “Қизил” ҳудудларда чорва молларини ўтлатишга камида 3 йиллик мораторий эълон қилинади. Бу тизимни илмий жиҳатдан кучайтириш мақсадида ҳар бир яйловнинг ўсимлик биомассаси, тупроқ ҳолати, сув таъминоти ва йиллик ёғингарчилик ҳисобланиб, “чорва сиғими” нормативи белгиланади. Шунда яйлов майдони хўжаликка формал гектар ҳисобида эмас, балки амалдаги озуқа захираси ва чорва бош сонига мутаносиб равишда бириктирилади.



— Президентимиз шу йил 13 октябрь куни яйловлар деградациясининг олдини олиш, сув таъминотини яхшилаш ҳамда улардан самарали фойдаланиш юзасидан тақдимот билан танишиш жараёнида бир қатор вазифаларни белгилаб берди, — дейди Қашқадарё вилояти ҳокими Муроджон Азимов. — Шу куннинг ўзидаёқ топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида қатор лойиҳалар ишлаб чиқдик. Хусусан, бугун чўл ва яйлов ҳудудларда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш бўйича Миср тажрибасидан фойдаланиш мақсадида Қашқадарё шароитига мос истиқболли экин ва навларни саралаш ҳамда уларни тажриба-синов майдонларида синаш режалаштирилмоқда. Бундан ташқари, Мисрнинг “Далтекс” корпорацияси билан ҳамкорликда уларнинг яйлов ерларни ўзлаштиришга оид ижобий тажрибаларини жорий этиш бўйича музокара ўтказяпмиз.

Нишон туманида чорвачилик йўналишидаги “Қашқадарё агростар” МЧЖ 1,3 минг гектар ҳамда “Агроинновацион СИИДС” МЧЖ 1,3 минг гектар яйловни ўзлаштирди. Бу ердаги 400 гектар майдонга Мисрнинг ёмғирлатиб суғориш технологияси асосида картошка ва 570 гектарга чорва озуқаси экинлари экилди. Бунинг учун вилоят маҳаллий бюджетидан 15 миллиард сўм ҳомийлик асосида ажратилди.

Ушбу тажрибани Нишон туманининг бошқа ҳудудларида ҳамда Муборак ва Деҳқонобод туманларида илғор агротехнологиялар асосида кенгайтириш чоралари кўрилмоқда.

Таҳлилларга кўра, соҳа янги босқичга чиқмоқда. Натижада янгидан янги лойиҳаларга қўл урилиб, самарадорликни ошириш ҳаракати бошланди. Жорий йилда 10 та “Қоракўлчилик” МЧЖ фаолияти ҳамда уларга бириктирилган яйловлардан фойдаланиш самарадорлиги атрофлича ўрганилди. Ўрганишлар натижасида мазкур хўжаликларга жами 609 минг гектар яйлов тўғридан тўғри ажратилгани, айни пайтда уларда 120 минг бош майда шохли мол парваришланаётгани маълум бўлди. Таҳлиллар натижасида мавжуд шартли мол бош сонига нисбатан 524 минг гектар яйлов ортиқча экани аниқланди. Бу эса айрим ер майдонларидан тўлиқ ва самарали фойдаланилмаётганини кўрсатади. Уларни иқтисодий айланмага киритиш, чорвачилик қувватларини кенгайтириш ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бўйича қўшимча имкониятлар мавжудлигини тасдиқлайди. Шунинг учун хўжаликларнинг ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, умумий қиймати 48,3 миллиард сўм бўлган 49 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Хуллас, давлатимиз раҳбари кўрсатмалари асосида воҳада яйлов деградациясининг олдини олиш, сув таъминотини яхшилаш ҳамда улардан самарали фойдаланиш борасида катта ишлар бошланди. Натижаси эса қисқа фурсатларда намоён бўлиши шубҳасиз.

Акбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Болалар миллий тиббиёт маркази 2020 йилда ўз фаолиятини бошлаган бўлса, 2021 йил охиридан бу ерда перитонеал диализ усули амалиётда қўлланила бошланди.

ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТ

доимий изланиш ва янгиланишни талаб этади

2014 йилда тиббиёт олийгоҳини тамомлаган вақтим билан бугунги кунни таққосласам, соҳада таълим олиш, малака ошириш ва халқаро тажрибани ўрганиш борасида имкониятлар сезиларли даражада ортганини кўраман. Илгари хорижда малака ошириш бўйича имтиёзли дастур ва лойиҳалар кам эди. Халқаро тиббий манбаларни ўрганиш учун узоқ вақт сарфлашингга тўғри келарди. Чет эл мутахассисларининг илмий мақолалари, тадқиқотлари ва замонавий тиббий қўлланмаларига ўргангунингча улар ҳам дунё тажрибасида эскирган механизм ва методикага айланиб қоларди.



Нодира МУРТАЛИБОВА,
Болалар миллий тиббиёт маркази нефролог шифокори

Тиббиёт жуда тез ривожланаётган соҳа. Ундаги янгиликлардан хабардор бўлиб бориш, билим ва кўникмаларни мунтазам янгилаш ҳар бир шифокор учун жуда муҳим. Акс ҳолда, замон билан ҳамнафас бўлмаслик касбий ривожланишдан ортда қолишга олиб келади. Бугун эса бу борада имкониятлар етарли.

Мамлакатимиз тиббиётида болалар нефрологияси соҳасида ҳам сезиларли ўзгаришлар кўп. Хусусан, бугун халқаро тиббий стандартлар амалиётга жорий этилаётир. Ривожланган давлатлар тиббиёт муассасаларида қўлланиладиган замонавий ёндашувлар ва даволаш усуллари Болалар миллий тиббиёт марказида ҳам параллел равишда амалиётга татбиқ этилган. Энг муҳим миссоллардан бири янги туғилган чақалоқларда буйрак фаолиятининг оғир даражада бузилиши ҳолатларида перитонеал диализ усули жорий этилишидир.

Илгари бу йўналишда оғир касалликка учраган чақалоқларнинг ҳаётини сақлаб қолиш жуда қийин эди. Болалар миллий тиббиёт маркази 2020 йилда ўз фаолиятини бошлаган бўлса, 2021 йил охиридан бу ерда перитонеал диализ усули амалиётда қўлланила бошланди. Бу эса буйрак фаолияти оғир бузилган чақалоқлар ҳаётини сақлаб қолишга имконият яратди. Бугунги кунда ушбу усул бошқа тиббиёт муассасаларида ҳам қўлланилмоқда.

Бу усул буйрак ўринбосар терапиясининг бир туридир. Масалан, бизда беморнинг буйраги ишламаса, гемодиализ муолажаси ўтказилади. Лекин гемодиализни вазни 10 килограмдан кам бўлган болаларда қўллашнинг имкони йўқ, чунки бундай кичик болаларда гемодиализ аппаратида айланиб чиқиш учун етарли миқдорда қон мавжуд эмас.

Перитонеал диализ усули эса айнан кичик ёшдаги болалар учун энг юмшоқ ва хавфсиз буйрак ўринбосар терапияси деб тан олинган. Энг асосийси, ушбу усулни чақалоқларда ҳам қўллаш мумкин, чунки у ҳеч қандай аппаратсиз бажарилади. Бу усулда қорин бўшлиғига дренаж (катетер) қўйилиб, махсус суюқлик юборилади ва қорин пардасининг ўзи фильтр вазифасини бажаради.

Ўзбекистонда бу усулни татбиқ қилишга жуда катта зарурат бор эди. Чунки юртимизда туғилиш кўрсаткичи юқори, шу билан бирга, чақалоқларда учрайдиган касалликлар ҳам кўп. Улар орасида буйрак етишмовчилиги учраб туради. Айнан ушбу усул бемор болаларнинг ҳаётини сақлаб қолиши мумкин.

Тажрибамдан бир мисол келтирсам. Болалар миллий тиббиёт марказига 7 кунлик чақалоқни олиб келишди. Оилада 3 қиздан кейин туғилган тўртинчи фарзанд ўғил эди. Аммо туғуруқ жараёни оғир кечгани сабабли унда пешоб ажралиши тўхтаб, буйраги ишламай қолганди. Марказимизда унга айнан перитонеал диализ усули қўлланилди ва болакай соғайиб, 10 кундан кейин уйига жавоб берилди. Ҳозир у 4 ёшда, ота-онасининг бағрида соғлом ҳаёт кечирмоқда.

Перитонеал диализ усули бугунги кунда бошқа тиббиёт муассасаларида ҳам қўлланилмоқда. Жумладан, Республика перинатал маркази ва ҳудудлардаги тиббиёт муассасаларида оғир аҳволдаги болалар ҳаётини сақлаб қолиш имкониятлари кенгаймоқда. Илгари мураккаб ва кам қўлланиладиган тиббий амалиёт ҳисобланган бу усул бугунги кунда шифокорларимиз учун одатий даволаш амалиётига айланиб бораётгани эътиборга молик. Бу эса тиббиёт соҳасидаги ислоҳотлар, замонавий билим ва тажрибаларнинг ҳаётга татбиқ этилаётгани самарасидир.

Келгусида бу тажрибани ҳудудларда янада кенгайтириш, шунингдек, перитонеал диализ усулини нафақат чақалоқларда, балки каттароқ ёшдаги болаларда ҳам қўллаш имкониятларини ривожлантиришдир. Айниқса, бемор болалар учун уй шароитида буйрак ўрнини босувчи терапияни ташкил этиш йўналишида чуқурроқ изланишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман.

Замонавий технологияларнинг тиббиётдаги ўрни беқиёс, албатта. Бугунги жадал тараққиёт даврида тиббиётни уларсиз тасаввур этиш қийин. Диагностика, даволаш ва беморларни кузатиш жараёнларида янги технологиялар катта самара бермоқда. Бироқ технологиянинг ўзи етарли эмас. Энг замонавий ускуналар мавжуд тақдирда ҳам шифокорнинг билими, касбий малакаси ва илмий салоҳияти юқори бўлмаса, кутилган натижага эришиш қийин.



Эътироф



Шу боис, замонавий технологиялар ва шифокорнинг чуқур билими бир-бирини тўлдириши керак. Устозлардан мерос бўлиб келаётган бой тажрибани асраб-авайлаш ва уни замонавий тиббий ёндашувлар билан уйғунлаштириш муҳим деб ҳисоблайман. Масалан, марказимизда реография усули кенг қўлланилади. Бу текширув усули буйракларнинг неча фоиз ишлаётганини аниқ кўрсатиб беради. Унинг натижаларига таянган ҳолда бемор буйрагини сақлаб қолиш имкони бор-йўқлигини аниқлаймиз. Шунингдек, ушбу метод трансплантация амалиётида донорлар учун ҳам жуда муҳим текширувдир.

Нафақат амалиётчи шифокор, балки тиббиёт олий таълим муассасасида дарс берадиган педагог сифатида ҳам узлуксиз тиббий таълим тизимини ривожлантириш ва резидентура тизимига ўтиш борасидаги ислоҳотларга катта қизиқиш билан қарайман. Мазкур ўзгаришлар тиббий таълим сифатини ошириш, мутахассисларни халқаро талаблар асосида тайёрлаш ва уларнинг касбий салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Ривожланган давлатларда тиббий кадрлар тайёрлашда резидентура тизими кенг қўлланилади. Узлуксиз тиббий таълим эса шифокорнинг бутун касбий фаолияти давомида билим ва малакасини мунтазам янгилаб боришини таъминлайди. Бу, айниқса, тез ўзгараётган тиббиёт соҳасида жуда муҳим.

Менимча, бугунги ислоҳотларнинг энг катта аҳамияти ҳам шунда: шифокор фақат бир марта таълим олиб, шу билим билан чекланиб қолмаслиги, балки бутун фаолияти давомида ўқиши, изланиши ва ўз устида ишлаши керак. Зеро, замонавий тиббиёт доимий билим, изланиш ва янгиланишни талаб этади.

Ўқиш муддатининг мутахассислик мураккаблигига қараб, 2 йилдан 5 йилгача табақалаштирилиши, резидентликка қабулнинг ҳудудлардаги ҳақиқий эҳтиёж асосида ва давлат гранти шаклида ташкил этилиши ҳамда резидентларга меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдори (МҲТЭКМ)нинг 2,15 баравари миқдорида ҳар ойлик стипендия тўланиши ижобий натижаларини яқин келажакда намоён этади. Ишончим комилки, бу ислоҳотлар тиббий хизмат сифатини ошириш ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасида янги имкониятлар яратади.

Шифокорларни қўллаб-қувватлаш, касбий салоҳиятини ошириш ва ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасида яратилаётган имкониятларни ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Айниқса, шифокор аёллар ва ёшлар учун берилаётган имтиёзлар соҳа ривожида муҳим ўрин тутади.

Хусусан, тиббий билим ва малакасини ошириш, олий таълимда таҳсилни давом эттириш, касбий ривожланиш ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги имтиёзлар шифокор аёллар учун катта рағбатдир. Ёш мутахассисларнинг таълим олиши ва касбий фаолиятини йўлга қўйиши учун берилаётган кўмак эса уларнинг келажакда малакали кадр бўлиб етишишига хизмат қилади.

Жорий йил Тиббиёт ходимлари куни муносабати билан “Шуҳрат” медалига муносиб кўрилдим. Тақдирланганимни эшитганимда чексиз ҳаяжон ва мамнуният ҳиссини туйдим. Бу мен учун мутлақо кутилмаган, аммо ҳаётимдаги энг бахтли воқеа бўлди.

Шунда бир ҳақиқатга амин бўлдим: бундай юксак эътирофга сазовор бўлиш учун, албатта, катта профессор, кўп йиллик тажрибага эга академик ёки бирор муассаса раҳбари бўлиш шарт эмас. Ўз касбига меҳр қўйган, беморлари ҳаёти учун фидойилик билан меҳнат қилаётган оддий шифокор ҳам давлатимиз эътиборида эканини чин дилдан ҳис қилдим.

Бу мукофот мени нафақат қувонтирди, балки зиммамга жуда катта, шарафли бир масъулиятни ҳам юклади. Эндиликда ушбу унвонни кўксимда ёруғ юз билан тақиб юришим, халқимиз ва Президентимизнинг ишончини оқлашим учун янада кўпроқ изланишим ва меҳнат қилишим керак. Энг асосий мақсадим — юртимизда болалар нефрологияси хизматини янги босқичга олиб чиқиш ва жажжи беморларимиз соғлом ҳаётга қайтиши учун бор билим ва кучимни аямай, астойдил хизмат қилишдир.

Нуқтаи назар

ҲАМ ТАЖРИБА, ҲАМ ТАЪЛИМ

туризм соҳасида қандай имкониятлар яратади?

Президентимизнинг 2026 йил 16 февралдаги “Мамлакат тараққиётининг 2030 йилгача мўлжалланган устувор йўналишлари доирасида ислоҳотларни изчил давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида Ўзбекистонда ташқи ва ички туризмни ривожлантириш учун кенг шароитлар яратиш орқали сайёҳлар сонини ошириш вазифаси қўйилган.



Алишер ЭШТАЕВ,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Бунда 2030 йилга бориб, мамлакатимизда туризм соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 7 фоиз, туризм хизматлари экспортини 6 миллиард долларга, юртимизга келадиган чет эллик туристлар йиллик сонини 20 миллионга етказиш, “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил” дастури доирасида ички сайёҳларнинг республика бўйлаб 25 миллионта сафарини амалга ошириш, хусусий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига туризм кластерлари сонини 25 тага етказиш белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда сайёҳлик соҳасида кадрлар тайёрлаш, мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш каби масалалар муҳим аҳамиятга эга.

Замонавий таълим тизими талабаларни меҳнат бозорининг реал эҳтиёжларига мослаштиришни талаб қилади. Бунда назарий билимларни амалиёт билан уйғунлаштириш зарурати мавжуд. Шу нуқтаи назардан, дуал таълим модели профессионал таълим самарадорлигини ошириш воситаси сифатида халқаро миқёсда кенг қўлланмоқда.

Дуал таълим моделида талабалар фақат назарий билимларни эмас, балки шахсий ривожланиш учун зарур бўлган амалий кўникмаларни ҳам ўзлаштиради. Улар мижозлар билан ишлаш, муаммоларни ҳал қилиш, коммуникация ва жамоада ишлаш бўйича амалий тажриба орттиради. Ушбу кўникмалар туризм соҳасида ҳам муваффақиятли ишлаш учун муҳим.

Туризм соҳасида халқаро стандартларга мос узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш, замонавий талабларга мувофиқ юқори малакали рақобатбардош кадрларни тайёрлаш учун Президентимизнинг 2024 йил 18 июлдаги “Туризм соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган. Унга асосан ўқув жараёнларининг назарий ва амалий машғулотлар улуши қуйидагича тақсимланади:

1-босқичда — 80 фоиз назарий ва 20 фоиз амалий билимлар;

2-босқичда — 50 фоиз назарий ва 50 фоиз амалий билимлар;

3-босқичда — 30 фоиз назарий ва 70 фоиз амалий билимлар бўлиши зарур.

Туризм ва меҳмонхона хўжалиги соҳасида кадрлар тайёрлаш тизими уч йиллик олий таълим дастурлари асосида йўлга қўйилиб, ўқув жараёни “блок-модуль” тизимига асосланган дуал таълим шаклида ташкил этилди.

Дуал таълим модели Германия, Швейцария, Австрия каби давлатларда муваффақиятли жорий қилинган бўлиб, бу тизимда талаба таълимнинг муайян қисмини олий таълим муассасасида ўқиб, қолган қисмини эса ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш корхоналарида амалиёт ўташ орқали ўзлаштиради. Ушбу давлатларда туризм соҳасида дуал таълим тизими меҳмонхоналарни бошқариш, туризм ташкилотлари ресторан бизнеси ва транспорт хизматлари каби тармоқларда самарали қўлланмоқда. Германияда дуал таълим асосида меҳмонхона бошқаруви бўйича ўқиган битирувчиларнинг 80 фоизи ишлашга тайёр, рақобатбардош кадр сифатида шаклланади. Швейцарияда туризм ва меҳмонхона соҳаси бўйича таҳсил олганларнинг амалий машғулотларга ажратилган вақти умумий ўқув юкламасининг 50-60 фоизини ташкил этади. Бу эса уларнинг ишга жойлашиш кўрсаткичи 90 фоизга етишига хизмат қилади.



АҚШнинг “Marriott International” меҳмонхона тармоғида ўтказилган тадқиқотларга кўра, дуал таълим дастурида иштирок этган талабалар анъанавий таълим олганларга нисбатан хизмат кўрсатиш сифати бўйича 30 фоиз ижобий натижа кўрсатган.

Дуал таълим жараёнида таҳсил олаётганлар нафақат анъанавий хизмат кўрсатиш услубларини ўзлаштиради, балки янги инновацион ёндашувларни ҳам ишлаб чиқади. Улар амалиётдаги муаммолар билан юзма-юз келиш орқали туризм соҳасидаги камчиликларни ҳал қилиш йўлини топади. Масалан, Швейцариянинг туризм ва меҳмонхона соҳасида етакчи таълим муассасаларидан бири “Les Roches” меҳмонхона бошқаруви мактабининг дуал таълим дастурида иштирок этган талабалар экологик тоза сайёҳликни ривожлантириш бўйича янги стратегиялар ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этган.

Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг туризм ва меҳмондўстлик йўналишида таҳсил олаётган 1-, 2- ва 3-босқич талабалари учун амалий дарслар Ўзбекистон меҳмонхоналар уюшмаси, меҳмонхоналар, туризм ташкилотлари, умумий овқатланиш корхоналарида ўтказилмоқда. Туризм қўмитасида университетнинг туризм ва меҳмонхона бизнеси кафедраси филиали ташкил қилиниб, унда мунтазам машғулотлар ўтилмоқда. Мазкур кафедра ҳузурида кадрлар буюртмачилари билан таълим, таълим — фан — ишлаб чиқариш интеграцияси асосида ўзаро стратегик ҳамкорликни таъминловчи маслаҳат органи — ҳамкорлик кенгаши ташкил этилди. Кенгашнинг стратегик мақсади таълим сифатини ошириш ва меҳнат бозори талаблари асосида туризм ва меҳмонхона бизнеси соҳасида рақобатбардош кадрлар тайёрлашдир.



Битирувчи курс талабаларининг 704 нафари Тошкент шаҳридаги маҳаллаларга бириктирилди. Улар ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини ўрганиш ва амалий таклифлар ишлаб чиқишда бевосита иштирок этади.

Президентимизнинг 2026 йил 29 сентябрдаги “Олий таълимда дуал таълим шаклида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони хорижий давлатларнинг дуал таълим шаклида ўқитишни ташкил этиш бўйича илғор тажрибасини олий таълим тизимига татбиқ этишга қаратилди. Мазкур фармондан асосий мақсад юқори малакали кадрларни дуал таълим шаклида “корхона — олийгоҳ — мақсадли кадр” тамойили асосида тайёрлаш орқали иш берувчиларнинг таълим жараёнига интеграциясини ошириш ҳамда битирувчиларни кафолатланган иш билан таъминлашдир.

Фармонга асосан, талабаликка номзодлар корхона (ташкилот)нинг йўлланмаси билан тўғридан тўғри имтиҳонсиз ёки буюртма асосида саралаш имтиҳони натижасига кўра ўқишга қабул қилинади. Корхона (ташкилот) зиммасига талабага ўқиш даври давомида ўзининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган миқдорда ойлик иш ҳақи тўлаш, талабанинг зиммасига битиргандан сўнг камида 2 йил мазкур корхона (ташкилот) ёки унинг тизимидаги ташкилотда ишлаб бериш мажбуриятлари юкланади.

Дуал таълимда ўқув жараёнининг назарий қисми камида 30 фоизни ташкил этади ва бевосита олий таълим ташкилотида олиб борилади. Қолган амалий қисми корхона (ташкилот)лар базасида ташкил этилади ва талабаларга мураббийлар бириктирилади.

2027 йил 1 январдан бошлаб дуал таълим шаклида кадрлар тайёрлаш истагини билдирган корхона (ташкилот)лар учун талабаларга бириктириладиган мураббийларни тайёрлаш махсус курслари очилиб, уларга жалб этилган 30 нафар профессор-ўқитувчи ва менторлар малакасини дуал таълим ривожланган давлатларда ошириш харажатлари давлат бюджети ҳисобидан қопланади.

Олий таълим тизимида магистр даражасига эга бўлмаган мутахассисларнинг педагог сифатида фаолият юритишига рухсат берилмаган эди. Туризм соҳасидаги ташкилотларда ишлаётган тажрибали, малакали мутахассисларнинг асосий қисми бакалавр даражасига эга. Мазкур фармон асосида махсус курсларни якунлаган, бакалавр даражасига эга мураббийларни олий таълим ташкилотларига педагог сифатида соатбай асосида (илмий даражага эга бўлмаган ўқитувчига тенглаштирган ҳолда) жалб қилишга рухсат бериш белгиланди.

Фармонда бир мураббийга 15 нафардан кўп бўлмаган талаба бириктирилиб, ҳар бири учун бир ўқув йилига 30 соат иш ҳажми ҳисобланиши, бунда мураббий учун тўлов олий таълим ташкилотининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопланиши ва олий таълим ташкилотларининг соатбай иш ҳақи жамғармасидан ташқари алоҳида режалаштирилиши белгиланди.

2027/2028 ўқув йили якунидан бошлаб дуал таълим шакли бўйича олий таълим ташкилотлари ва буюртмачи корхона (ташкилотлар)нинг самарадорлик рейтинги юритилиб, энг юқори натижа кўрсатган 3 тадан олий таълим ташкилоти ва корхона (ташкилот) давлат бюджети маблағлари ҳисобидан рейтингдаги ўрнига мос равишда 1, 2, 3 миллиард сўмдан рағбатлантириладиган бўлди. Бу рағбатлантириш ҳам олий таълим муассасалари ва амалиёт ташкилотларининг моддий имкониятларини ошириш билан бирга дуал таълим асосида қамраб олинган талабалар улушини ошиши, кадрлар тайёрлашда интеграцион алоқаларни кенгайтиришга хизмат қилади.



2026 йил 12 ноябрь, 235-сон

ЮНЕСКО маълумотларига кўра, 2024 йилда дунё бўйича 273 миллион бола, ўсмир ёш таълимдан ортда қолган. Бунга сабаб айрим ҳудудларда мактаб етишмовчилиги ҳамда уруш ва сиёсий можаролар авж олганидир.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
www.yuz.uz
yuz.uz_news
yuz.uz_news



Инсон қадри учун

ПАХТА ДЕСА, ЮРАГИМИЗ СИМИЛЛАГАН У КУНЛАР ЁДИ

Давлатимиз раҳбарининг деҳқон ва фермерлар, кластер ходимлари, дала меҳнаткашларига Янги Ўзбекистон тарихида илк бор 5 миллион тоннадан зиёд юксак пахта хирмони бунёд этиб, рекорд натижага эришгани муносабати билан самимий табригини ўқиб бошим кўкка етди.
Президентимиз таъкидлаганидек, “Бу — пахтачилик соҳасидаги Янги Ўзбекистон мўъжизасидир”.



Санжар ЭШМУРОДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Нега мўъжиза экани ҳам табрикнинг ўзида қайд этилибди. “Кейинги йилларда тармоқни ўта оғир аҳволдан олиб чиқиш учун аввало чигит экиладиган майдонларни 38 фоизга қисқартириб, пахта монополиясига барҳам бердик. Ўқитувчи, талаба ва ўқувчиларни, бюджет ташкилотлари ходимларини дала ишларига жалб этишга чек қўйдик. Соҳани илм-фан ютуқлари, замонавий агротехнологиялар асосида ривожлантиришга устувор аҳамият қаратдик. Бошда бунга ишонмасдан, шубҳа билан қараганлар ҳам бўлди. Аммо танлаган йўлимиз нақадар тўғри эканини бугун ҳаётнинг ўзи, бу йилги натижаларимиз яққол тасдиқламоқда”. Бу сатрларни ўқиб “Мана қилса бўлар экан-ку”, деб юбордим беихтиёр. Ўзингиз айтинг, бу мўъжиза бўлмай, нима ахир?!

Табрикни ўқир эканман, Ўзбекистонда узоқ йиллар давом этган “пахта қуллиги” даври ёдимга келди. Сиёсий ирода сустлиги туфайли бутун мамлакат аҳолиси, иқтисодиёти, камтарона саноати — барчаси пахтага боғланиб қолгани, айниқса, юртдошларимизнинг йил ўн икки ой вақти чеканка, дефолиация, терим билан ўтганини афсус билан хотирлайман. Бу жараёнга мактаб ўқувчиларининг таълимдан юлиб олиниб қўшилиши эса энг аянчлиси эди.

Ҳа, атоқли шоирларимиздан бири сўзлагани каби ўша даврларда одамларнинг наҳори, шоми, айвони, томи, ҳаттоки танасидаги оқар қонини ҳам пахта эгаллаб, ҳур руҳини қуллик исканжасига занжирбанд этганди.

Одамларнинг энг катта орзуси йиғим-терим мавсумини бекаму кўст ўтказиб олиш бўлиб қолганди. Деҳқон ўз ҳосили ҳақида қайғурса, нур устига нур, аммо мактабдаги ўқитувчилар, ўқувчилар иқболини эмас, давлат корхоналари ишчилари соҳаси ривожини эмас, орзуси пахтадан хирмон бўлса-ю, ортиқча ташвишлардан қутулиш бўлиб қолгани ёмон.

Ўша кезларда бутун дунёда куз фасли сентябрь, октябрь, ноябрь ойларидан иборат бўлса, Ўзбекистонда фақат бир давр “пахта мавсуми” мавжуд эди. Етти ёшдан етмиш ёшгача уйидан, маҳалласи, шаҳарчасидан далага қувиларди. Ушбу даврда бутун Ўзбекистон аҳли атоқли адибимиз Тоғай Муроднинг “Отамдан қолган далалар” асаридаги Деҳқонқулга айланиб қоларди. Бир сўз билан айтганда, пахта дарди билан ётиб, пахта ташвиши билан уйғонарди. Шаҳарларни тўлдириб юрган автобуслар бурнига “Пахта” деган пешлавҳани тақиб олиб, дала томон шошиларди. Ҳали тонг ёришиб улгурмай, мактаб ўқувчилари китоб-дафтарини сумкага эмас, бир бурда нони ва идишга тўлдирилган совуқ сувини этагига жойлаб далага йўл оларди.

Қишлоқ кўчаларини тўлдириб, дўстингнинг қулоғидан тортиб, синфдош қизларнинг орқасидан гап отиб бориш болаларга завқ бағишларди. Аммо бу завқ ниманинг эвазига эканига мурғак кўнгилларнинг ақли етмасди. Уларнинг истиқболи шу чанг кўчаларда суринар, жамият тараққиёти эса эгатлар орасида адашиб қолаётган эди. Онам айтиб берадиган эртакларда дев ҳужум қилган шаҳару қишлоқларнинг ҳувиллаб қолиши ҳақида сўз борарди.

Эсимда, ўша пайтлар кундуз кунлари қишлоқ ва шаҳарлар ҳам ҳувиллаб қоларди. Тунга яқин “оқ олтин” ортилган тиркамали трактор ва усти тоғларнинг бошидек оппоқ бўлган катта юк машиналари билан кўчалар тўлиб-тошарди. Бир томонда эса теримчиларни ташийдиган автобуслар ва бир-бирига суяган пиёда теримчилар судраларди...

Бир сўз билан айтганда, нотўғри тизим инсонларнинг машаққатли меҳнатини дев каби ҳазм қилиб юборар, мамлакат ривожи, инсон камолоти эса сўроқ остида қоларди.

ЮНЕСКО маълумотларига кўра, 2024 йилда дунё бўйича 273 миллион бола, ўсмир ёш таълимдан ортда қолган. Бунга сабаб айрим ҳудудларда мактаб етишмовчилиги ҳамда уруш ва сиёсий можаролар авж олганидир.

Аммо тинч Ўзбекистонда ўша даврда мавжуд мактаблар дарвозасига каттакон қулф осиларди. Муаллим ҳам, ўқувчи ҳам далага ҳайдаларди. Ўқув йили бошидан қарийб Янги йил байрамигача дарс ўтилмасди. Мамлакатимиздаги узлуксиз мактаб таълим тизими оғир аҳволга тушиб, фалаж ҳолга келганди.

Халқнинг ягона умиди соатдай ишлайдиган бу аёвсиз тизимга кимдир “тўхта!” дея олиши эди. Аммо давлатимиз раҳбари қайд этганидек, ўша вақтда бу тизимни тўхтатишга ёки ўзгартиришга қатъий сиёсий ирода етишмасди.

Балки сизга ошириб юборилгандек туюлаётгандир. Айниқса, бугунги фаровон ҳаётдан бошқасини кўрмаган ёшларга тасвирларим чўпчакдек эшитилади. Аммо бу рост. Чунки ўша мактаб ўқувчиларидан бири менман. Не-не орзуларда олий таълим бўсағасидан ҳатлаб ўтиб, яна далага ҳайдалган талабаман.





“Нима қилай, пахта десалар қаттиқ оғрий бошлар қулоғим...”

Келинг, яхшиси, бошимдан ўтган бир воқеани сўзлаб бераман. Академик лицейда ўқиб юрган кезларим эди. Иккинчи курснинг бошида бир-икки кун ўқиш бўлди, кейин эса шифокор: “Яранг тўлиқ битмади, аммо бизда уч кундан ортиқ ўқувчини шийпонда олиб қолиш мумкин эмас. Далада эҳтиёт бўл, кузнинг дарди ёмон бўлади, совуқ олдириб қўйма тағин”, дея қатъий тайинлади.

Эртасига яна далага чиқишни бошладим. Тонг қоронғусида шудринг босган ғўза оралаб пахта теришни бошлар эканман, ярамга боғланган бинт ҳўл бўлиб кетди. Бундай ҳолатда яра газак олмаслигининг иложи йўқ эди. Шийпонга қайтгунча, чўлоқланиб қоламан. Кечқурун яна шифокор олдига бораман. У қизариб шишиб кетган ярамни зарарли инфекциялардан қўлидан келганча тозалайди ва дарров пахта терими мавсуми бошланиб, бизни марказдан олис чекка ҳудуддаги далага олиб боришди. Мактабда ўқиб юрганимдан буён шу аҳвол, пахта териш, зах босган шийпонда яшашга ўрганиб қолганман. Даладан шийпонга ва яна далага қатнаб юрган кунларимда атрофда изғиб юрадиган дайди итлардан бири оёғимдан тишлаб олди.

Дарров бизга бириктирилган шифокорнинг олдига бордим. У қонни тўхтатиб, керакли муолажани қилгач, уч кун далага чиқмай, шийпонда қолишим кераклиги, ҳар куни кечқурун муолажа учун, албатта, олдига боришимни тайинлади. Шийпонда ошпазларга картошка арчиб бериш билан куним ўтарди. Учинчи куни муолажага борганимда қайтадан бинт боғлаб қўяди. Орадан уч-тўрт кун ўтгач, шифокор: “Яна бир оз шундай юрсанг, оёғингдан айрилиб қоласан. Сен учун штаб раҳбаридан яна дам сўрайман, аммо терим охирлашиб, ўқувчилар кам қолган, рухсат бериши амри маҳол”, деди.


Ўша куни кечқурун пахтадан қочиш режасини тузиб, буюмларимни йиғиштирдим. Икки ўртоғим ҳам менга шерик бўлишини айтди. Ярим тунда, ҳамма ухлаганда, елкамизга сочиқ ташлаб шийпон атрофини айландик. Кўздан нари эканимизни билгач, шийпон орқасидаги пахта даласига ўзимизни урдик. Пайкал оралаб югуриб кетяпмиз. Узоқдан шоқоллар ва бўрибосар итлар овози келади. Уларни эшитиб, қадамимизни янада тезлатамиз. Пайкал охирида каттакон ариқ бор эди. Жўраларим бир сакраб ўтди. Кейин менга қўл чўзишди. “Сакра, ушлаб қоламиз”, дейишди. Бир сакраб ўтдим, аммо яradор оёғим сувга тушиб кетди. Кейин тонг отгунча жар ёқасида тин олдик. Жиққа ҳўл оёғим ва совуқдан кўкариб кетган ярамни силарканман, оёғимни ҳис қилмасдим.

Тонгда катта йўлга чиқиб, машина тўхтатишга уриндик. Пахтадан қочиб келаётганимизни сезган ҳайдовчилар секинлашиш ўрнига тезлашарди. Кейин бир машина келиб тўхтади, аммо унда фақат биттагина жой бор экан.

Ўртоқларим мени ўтқизишди. Аммо узоққа боролмадим. Ўн-ўн беш километр илгарилагач, канал кўприги устига пост ўрнатган ички ишлар ходимлари мени машинадан туширди. Уларнинг вазифаси шу: пахтадан қочаётганларга жарима солиш, яна ортига қайтариб юбориш эди. Яна бир-икки “қочоқ” болалар ушлангач, ҳаммамизни кичкина хона остидаги ертўлага олиб тушишди. Сўнг навбатма-навбат сўроқ қилишни бошлашди: “Қаердан келяпсан?”, “Нега пахтадан қочдинг?” деган саволлар беришди. Аввалига ҳамма алдашга уринади. Лекин шира босган кийим-бош, ёрилган, тирналган қўллар барчасини ошкор қилиб қўяди. Ходимлар бир-икки дўқ-пўписа қилгач, фақми етганлар дарров қочганини бўйнига оларди. Навбат менга келганда тихирлик қилишни бошладим. Қочганимни ҳеч тан олмадим. Сўнг ходимлардан бири секингина оёғимга тепди, мен юз тубан бўлиб йиқилдим. Ходим: “Баҳона қилма, секин тепдим”, деди ва сўнг оёғимдаги яра қонаганини сезди. Бирдан ҳушёр тортиб, тепага олиб чиқди ва ўзи машина тўхтатиб, уйимга жўнатиб юборди. Уйга борганимдан ўн кунлар ўтиб, пахта мавсуми ҳам якун топди.

Тўғри, чандиқ қолганини айтмаса, оёғим бутунлай тузалиб кетган. Аммо атоқли шоирларимиздан бири тўртинчи синфдалигида пахта кам тергани учун устози шапатилагани, қулоғидан чўзганини эслаб, пахта деса қулоғи оғришини айтганидек, куз ойларида менинг ҳам оёғим зирқирайди.

Пахта сабаб оёғи, қўли, руҳи ва тафаккурида чандиғи борлар у кунларни сира унутолмаса керак.



> **Пахта йиғим-терими мавсуми энг кўп зарар берган соҳа таълим тизими эди. Бугун тизимнинг ривож топиши негизида айнан мана шу пахта йиғим-терими давридаги мажбурий меҳнатга чек қўйилиши ётади десак, муболаға бўлмайди.**

Сиёсий ирода маҳсули

Президентимиз давлат раҳбари сифатида фаолиятини бошлагандаёқ, пахта теримидаги мажбурий меҳнатга қарши курашишни муҳим масала сифатида кўтариб чиқди ва тизимни буткул ислоҳ қилди. Ислоҳотлар марказида инсон манфаатлари туриши кераклигини ботбот такрорлаб, жамият ривожига тўсиқ бўлган иллатни буткул супуриб ташлади.

Бу шунчаки мажбурий меҳнат йўқолиши эмас, инсон мафкурасининг эврилиши эди. Инсон қадридан ҳам олий мақомга олиб чиқилган, “оқ олтин”, “миллий бойлик” дея эътироф этилган хомашёга бўлган қарашнинг ўзгариши инсон пахта учун эмас, пахта инсон учун хизмат қиладиган механизмни яратди.

Халқаро ташкилотлар назарида Ўзбекистон имижига соя солиб турган иллат йўқолди. Буни уларнинг ўзи эътироф этди. Халқаро меҳнат ташкилоти Ўзбекистон 2021 йилги пахта етиштириш ҳамда йиғим-терим мавсумида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам берганини маълум қилди. Хусусан, 2021 йилда теримчиларнинг 99 фоизи ушбу жараёнга ихтиёрий жалб этилганини билдирган. Теримчиларнинг учдан икки қисмини хотин-қизлар ташкил этган. Шундан сўнг “Cotton Campaign” ўзбек пахтасига нисбатан кўп йиллик глобал бойкотни бекор қилди.

Юртдошларимиз бу кунларни унутиб юбораётганининг асл сабаби тизим буткул янгиланиб, бугун инсонлар бутунлай янги Ўзбекистонда яшаётганидан дарак беради. Елкасига папкасини илган мактаб ўқувчиларини тўхтатиб “пахта мавсуми” ҳақида сўрасанг, улар сен нима ҳақида сўзлаётганингни ҳам тўлиқ англаб етолмайди. Чунки улар бугунги фаровон Ўзбекистоннинг янги авлодларидир. Уларнинг ўй-хаёли, орзуси, кундалик ҳаёти ҳам бутунлай фарқли.

Азалий орзулар рўёби

Давлатимиз раҳбари Корея Республикасига давлат ташрифи чоғида у ердаги ватандошлар билан дилдан суҳбат қурди. Суҳбат давомида Президентимиз Бош вазир бўлиб ишлаб юрган пайтида агар Ўзбекистонга 10 миллион сайёҳ келса, пахта эктирмасликни мақсад қилганини айтди. 2026 йил тўққиз ойлиги ҳисоботига кўра, Ўзбекистонга 9 миллиондан ортиқ сайёҳ ташриф буюрган. Яъни давлатимиз раҳбари ўз мақсадига, халқ эса азалий орзусига эришган.

Биргина Хоразм вилояти мисолида олсак, қолган ҳудудлар сингари бу ерда ҳам узоқ йиллар пахта далалари кўп эди. Аммо вилоятнинг ери ва об-ҳавоси бу экин ўсишига мослашмаган. Ҳосил кам бўлгани учун аҳоли икки карра кўп меҳнат қилишига тўғри келарди. Хоразмлик атоқли адиб айтганидек, “оқ пахта деб қаро бўларди юзи”. Боғот боғлари ўрнида ҳам пахтазорлар қулоч ёзганди. Бугун эса вилоятнинг шўрхок ва унумсиз ерлари сайёҳларга бой туризм манзилларига айлантирилди.

Бу вилоятнинг иқтисодиёти кўтарилиши, аҳоли фаровонлиги ошишига хизмат қилди. Жумладан, ҳудуд аҳолисининг камбағаллик даражаси уни бартараф этишга киришилганида 35 фоиз, Хоразмга келувчи сайёҳлар эса 16 минг кишини ташкил этарди. Қисқа фурсатда вилоятда камбағаллик даражаси 3,9 фоизга тушди. Яъни аввал ҳар учтадан бир киши камбағал бўлган, бугун эса бу кўрсаткич ўн баробар камайди. Ҳудудга келувчи сайёҳлар сони миллионлар билан юзлашди.

Хоразм сайёҳлар учун бу қадар жозибали манзилга ўз-ўзидан айланиб қолмади. Аввало, ҳудуднинг ўзига хос тарихи ва бугунги замонавий қулайликлар бунга замин ҳозирлади. Охирги тўққиз йилда 280 та меҳмонхона ва меҳмон уйи қурилиши ҳисобига меҳмонхона фонди 4 баробар ортди, ҳудудда 11 та янги туризм маскани ишга туширилди.

Масалан, ўтган йили 25 гектар паст унумли, шўрхок майдонда “Арда Хива” ноёб меъморий лойиҳаси амалга оширилди. У бугун Хоразмнинг энг кўп сайёҳ ташриф буюрадиган мажмуаларидан бири. Бир сўз билан айтганда, “очиқ осмон остидаги музей”дек бебаҳо тарихий меросга эга ушбу диёр бугун туризмнинг ҳақиқий марказига айланмоқда.

* * *

Пахта йиғим-терими мавсуми энг кўп зарар берган соҳа таълим тизими эди. Бугун тизимнинг ривож топиши негизида айнан мана шу пахта йиғим-терими давридаги мажбурий меҳнатга чек қўйилиши ётади десак, муболаға бўлмайди.

Бўйнидаги занжир олиб ташлангач, ўзбек ўқитувчи ва ўқувчилари дунёни забт этишни бошлади. Йиллар давомида яратилган имкониятлар натижасида ёшларимиз жаҳон фан олимпиадаларида 66 та олтин, 147 та кумуш, 221 та бронза медални қўлга киритди. Гарвард, Йель, Принстон, Колумбия, Корнелл каби нуфузли олийгоҳларда таҳсил олаётган талаба ёшларимиз сони 500 нафардан, ТОП-100 таликдаги олийгоҳларда ўқиётган йигит-қизларимиз 3,5 мингдан ошди.

Яқинда Президентимизнинг Қорақалпоғистонга ташрифи чоғида марказдан олис Қонликўл туманилик ўқитувчи Нигора Аллambергенова “Йил ўқитувчиси” танловида ғолиб бўлиб, 50 минг доллар олаётгани айтилди. Агар Нигора пахта даласи оралаб юрганида бу натижага эриша олармиди? Илгари ўқитувчининг танловда ютиб, шунча рағбатлантиришга эга бўлиши ақлга ҳам сиғмайдиган ҳодисадир.

* * *

Ўзбекистонда ҳозир куз ойлари “пахта мавсуми” деб аталмайди. Чунки ўқитувчи мактабда жонажон ўқувчилари, завод ишчиси ўз ускунаси олдида, олимлар лабораторияда — ҳамма ўз касбий маҳорати, билимзаковати билан янги Ренессансга пойдевор қўйишга қандай ҳисса қўша олиши ҳақида ўй сурмоқда. Буни қарангки, деҳқонларимизнинг шижоати билан пахта хирмонлари аввалгидан ҳам баландламоқда. Халқ ҳаётидан рози, турмуши фаровон, келажакка ишончи баланд. Аслида, ҳақиқий миллий бойлик айни шу халқнинг ўзидир.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-1146.
29189 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Юнус Бўронов
Мусаҳҳиҳ: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33
Эълонлар бўлими: (71) 233-70-98
E-mail: info@yuz.uz
Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05
Девонхона ва ишонч телефони: (71) 233-56-60
“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

ЎзА якуни — 04:10 Топширилди — 04:35